Одним из маркеров РА являются ЦИК, состоящие из антигена, антител и связанных с ними компонентов комплемента. У здоровых лиц ЦИК, образовавшиеся в кровотоке, фагоцитируются и разрушаются как фагоцитами, так и печенью. Однако при избытке антигена и наличии в их структуре иммуноглобулина G и комплемента C1g, комплексы могут откладываться, вызывая воспаление [5]. Патологические реакции на ЦИК могут быть обусловлены повышением скорости их образования над скоростью элиминации или дефектами фагоци-

тарной системы или печени. У больных РА уровней ЦИК в крови был выше этого показателя у здоровых лиц в 3 раза (p<0,05).

Известно, что гиалуроновая кислота, являясь гликозаминогликаном, выполняет в соединительнотканном матриксе структурную функцию. Гиалуроновая кислота, которая отвечает за сохранение воды и смазывание сустава, в норме присутствует в синовиальной жидкости в высокой концентрации. У здоровых лиц гиалуроновая кислота синовиальной жидкости через лимфатическую систему переходит в плазму и удаляется из кровотока с неспецифическими рецепторами, экспрессирующимися синусоидальными эндотелиальными клетками печени под воздействием фермента гиалуронидазы. При хронических и острых заболеваниях печени этот механизм нарушается, что приводит к возрастанию уровня гиалуроновой кислоты в сыворотке крови. Как видно из полученных результатов, у больных РА наблюдается повышение уровня гиалуроновой кислоты в сыворотке крови в среднем 4 раза, что указывает на патологические изменения синусоидальных эндотелиальных клеток печени, происходящих, на наш взгляд, под воздействием иммунных комплексов, цитокинов и гормонов.

Концентрация свободных жирных кислот в сыворотке крови у больных РА достоверно превышала норму в 5,3 раза (p<0,05).

Как известно, попадая в системный кровоток СЖК способствуют усилению состояния инсулинорезистентности, подавляют процесс гликолиза и образуют прочную связь с альбумином [6]. Ингибирование процесса гликолиза приводит к компенсаторной активации пентозофосфатного цикла и процесса глюконеогенеза, т.е. в данной ситуации малат используется для синтеза глюкозы и жирных кислот. У обследованных больных РА активность митохондриального фермента МДГ в сыворотке крови увеличивалась в 2 раза, что указывало на нарушение структуры митохондрии гепатоцитов и выходом митохондриального фермента в сыворотку крови. Повреждение митохондрий гепатоцитов вовлекает в процесс образования энергии, изменение окислительно-восстановительного потенциала клетки, сопровождающиеся генерацией активных форм кислорода, высвобождением апоптогенных факторов, активацией распада и необратимой гибелью клетки.

Известно, что гомеостаз кальция в организме обеспечивается системой паратгормон - кальцитонин - витамин D, основной функцией который является регуляция обмена кальция и фосфатов в организме и поддержание постоянства концентрации кальция в крови. Витамин D является стероидом, участвующим в кишечной абсорбции кальция и регуляции гомеостаза кальция. При участии микросомального фермента 25-гидроксилазы витамин D3 преобразуется в митохондриях печени в 25-гидроксивитамин D (25-OHD). Несмотря на то, что биологически активной является форма 1,25-дигидроксихолекальциферол, синтезируемый в митохондриях печени, определение 25-OHD признано в качестве метода диагностики гиповитаминоза или субклинического дефицита витамина D, сопровождающегося нарушением обмена кальция и фосфора. У больных РА уровень 25-OHD в крови в среднем возрастал 6 раз.

Выводы

1. У больных ревматоидным артритом отмечалось достоверное повышение содержания реактантов острой фазы воспаления и уровня циркулирующих иммунных комплексов, а также свободных жирных кислот, что, на наш взгляд, свидетельствует о функциональной активности печени.
2. Увеличение уровня гиалуроновой кислоты в сыворотке крови и активности малатдегидрогеназы указывает на глубину нарушений гепатоцитов, что является одной из причин снижения активности 25-гидроксилазы и уровня 25-гидроксихолекальциферола.

Литература

1. Сигидин Я. Л. Лукина Г. В. Ревматоидный артрит. - М.: АНКО, 2001. - С. 328.
2. Мазуров В.И., Лила А.М. Ревматоидный артрит (клиника, диагностика, лечение). - СПб: Мед. Масс. Медиа, 2000. - С. 66-69.
3. Насонов Е.Л. Фармакотерапия ревматоидного артрита - взгляд в XXI век// Клин. мед. - 2005. - № 6. - С. 8-12.
4. Симбирцев А. С. //Цитокины и воспаление. - 2004. - Т.3, № 2. - С. 16-21.
5. Титов В. Н. Биологическая роль С- реактивного белка // Клин. лаб. диагностика. - 2009. - № 4. - С. 4-15.
6. Ерёменко Ю.Р., Конторщикова К.Н. и др. Уровень свободных жирных кислот при метаболическом синдроме // Клин. лаб. диагностика. - 2008, - № 9. - С. 60-61.

УДК: 611-013.85:618.2

ФИЗИОЛОГИК КЕЧУВЧИ ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ БИРИНЧИ ТРИМЕСТРИДА ЙЎЛДОШ ЎСИШ ФАКТОРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.М. Аюпова, Д.Б. Шербаева, Г.Н. Бекбаулиева

ROLE OF PLACENTA GROWTH FACTOR IN THE CURRENT FIRST TRIMESTER OF PHYSIOLOGICAL PREGNANCY

F.M. Ayupova, D.B. Sherbaeva, G.N. Bekbaulieva

Тошкент тиббиёт академияси

Представлены физиологические показатели фактора роста плаценты, его взаимосвязь с уровнем основных гормонов в динамике плацентации I триместра беременности.

Physiological indices of placental growth factor, its interplay with a level of basic hormones in dynamic of placentation in the first trimester of pregnancy are presented.

Бугун фундаментал фанлар соҳасидаги молекуляр тиббиёт ва биокимё ютуқлари сўнгги йилларда ҳомиладорликнинг гестацион асоратларида плацентар қон томир бузилишларини принципиал янги қарашлар билан баҳолаш имкониятини беради. Замонавий маълумотлар эмбрион ва бачадон реципрок ўзаро таъсирларида маҳаллий ва паракрин жараёнлар билан бошқаришга асосланган, тўғри таъсир этувчи пермиссив агент сифатидаги тизимли гормонлар таъсирини кўрсатяпти. Таъсир механизми, биологик фаол моддалар — цитокинлар, яъни битта ҳужайрада синтезланиб ёнидаги бошқа ҳужайрага таъсир этувчи маҳаллий медиатор эффектига асосланган [7].

Цитокинлар организмнинг асосий функцияларини нерв ва эндокрин тизимлари билан бошқаришда янги мустақил тизим сифатида ажратилди. Цитокинлар орасида томирлар ўсиш омили муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳомиладорлик даврида плацентанинг гисто-морфологиясини ва апоптоз жараёнларини олдиндан белгилайди [2,5].

Плацента ўсиш фактори (ПЎФ) - гомодимер гликопротеин массаси- 45-50 КД, унинг икки изоформаси мавжуд — ПЎФ1 ва ПЎФ2, бу шунингдек томир ўтказувчанлиги омили ёки васкулотропин деб номланувчи, массаси 45-50 КД гликопротеин, эндотелоцитларнинг in vitro ўсишини ва in vivo ангиогенезни индукциялайди [3,4]. Томирлар ўтказувчанлиги хусусияти гистаминга нисбатан 1000 марта кучли, ПЎФ трофобласт ва қон томир соҳасини 2 марта ортиқ кўпайтиради, бу эса плацентация жараёнини бошқарувчи ҳужайралар дифференцировкасини ва бўлинишини ингибирловчи ёки стимулловчи хусусиятга эга бўлган йўлдошнинг ҳомила қисми алмашинув юзасининг ошишига олиб келади, агар бу жараёнда бирламчи нуқсонлар бўлса, юрак-томир адаптацияси бузилишига ва плацента перфузияси камайишига олиб келади [1].

Юқорида келтирилганларга боғлиқ ҳолда текширув мақсади: плацентанинг ангиоген ўсиш фактори концентрациясини ўзгариш хусусиятларини аниқлаш ва ҳомиладорликнинг биринчи триместри физиологик кечувчи аёлларда қон зардобида эрта плацентация асосий гормонларини аниқлаш.

Қўйилган мақсадга мувофиқ 30 та соматик соғлом, ҳомиладорлиги физиологик кечаётган 5-6,8-10 ва 11-13 гестация муддатларидаги аёллар ва ҳомиладорликни тиббий тўхтатиш учун стационар бўлимга келган 10та соматик соғлом аёллар текширилди. Гестацион муддатни танлаш ҳомиладорликнинг 8-10 ҳафтасида плацентар жойда ворсина ташқарисидаги цитотрофобластларнинг бирламчи инвазия тўлқинлари бошланиб, кейинроқ спирал артериялар эндометриал сегментларига инвазия тарқалиб, у она ва плацента қон айланишининг 11-13 ҳафталарда доимий шаклланишини таъминлашга, яъни эмбрионал ворсиналарда ангиогенез бошланишига асосланди. Плацента ангиоген ўсиш фактори даражасини аниқлаш ва гормонал профилини, периферик қон плазмасида 17 β-эстрадиол, прогестерон, тестостерон ва β-ХГ ларни ўрганиш ТТА ЦНИЛ лабораториясида ўтказилди. Текширув учун веноз

қон ҳомиладорларда эрталаб, охирги овқат қабул қилингандан сўнг 8-10 дақиқа ўтгач олинади. 10та ҳомиладорда, яъни тиббий абортга келган аёлларда 2 марта қон олинди: бачадон бўшлиғини тозалаш операциясидан олдин ва операция вақтида.

Ҳомилани тиббий олиб ташлаш вақтида эмбрион тўқима ва қонидан намуна олиш ҳам ўтказилди. Йирик эмбрионал қисмлар центрифугалашда олинди. Олинган супернатант ҳужайра культураси микропробиркага жойлаштирилди ва плацента ўсиш фактори аниқлангунча музлатилди, 20^0С ҳароратда сақланди.

Текширув ёши 18 дан 42 ёшгача, туғиш учун оптимал ёш - 73,3% аёлларда қайд этилди.

ПЎФ кўрсаткичлари бутун I триместр давомида мусбат ўсиш динимикасига эга бўлган. Текшириладиган гормон ва ПЎФ кўрсаткичлари ўртасида мусбат корреляцион боғланиш борлиги аниқланди. ҳомиладорликнинг 8-10 ҳафтасидаги ПЎФ кўрсаткичлари 5-6 ҳафталигидан 52% га ортди, 12-13 ҳафтага келиб ПЎФ кўрсаткичлари даражаси 3 марта ортди; P<0,001 (1-жадвал). Ҳомиладорлик 8-10 ҳафтасида максимал ўсиш инвазиянинг бирламчи тўлқинларининг бошланиши ва ангиогенез (капилляр куртакланиш ва инвагинация) тараққиёти йўли билан ҳосил бўлган томирлар пайдо бўлиши бошланиши билан тушунтирилади, бунинг оқибатида ствол ва етилмаган плацента оралиқ ворсинкалари соҳасида капилляр тармоқ шаклланишига олиб келади [3,7].

1 - ж а д в а л

Ҳомиладорликнинг 5-6, 8-10 ва 12-13 ҳафталарида соғлом аёллар қон плазмасида стероид гормонлар ва плацентар ўсиш факторлари миқдори

Текшириш кўрсаткичлари	Ҳомиладорлик муддати, ҳафта		
	5-6	8-10	12-13
ПЎФ, (пг/мл)	88,5±1,2*	186±1,2**	273,8±1,5
Прогестерон нмоль/мл	65,3±1,1*	90,6±0,7**	136,4±1,1
Эстрадиол , пг/мл	253,8±9,6*	333,4±4,8**	603,6±2,9
Тестостерон нмоль/мл	1,3±0,1	2,0±0,1	2,2±0,1
ХГ, МЕ/мл	16804±804*	62705±1208**	91181±1847

Эслатма. *P<0,001. 8-10; ** <0,001. 10-13-ҳафталик муддатга нисбатан.

Прогестерон кўрсаткичи ҳомиладорлик 8-10 ҳафталарида 5-6 ҳафталардагидан 28% га ошади, 12-13-ҳафталардаги прогестерон даражаси 5-6-ҳафтадаги кўрсаткичдан 2,1 марта ошади.

Эстрадиол миқдори 8-10-ҳафтада 5-6-ҳафтага нисбатан 24% га ошади, 10-13 ҳафтада 2,3 марта ошади (P<0,001).

ХГ экскрецияси 8-10-ҳафтада 5-6-ҳафтага нисбатан 73% га ошади, бироқ 12-13-ҳафталарига бориб ХГ концентрацияси 8-10-ҳафталарга нисбатан 31% ошади, бу билан инвазив жараёнда доминант овариал назорат тўхтаганлиги ва назоратнинг плацентар типи қайта уланганлиги ҳақида айтиш мумкин. Тестостерон даражаси динамикада 5-6-ҳафтадан 12-13-ҳафтага ўтганда 1,7 марта кўпаяди.

ПЎФ зардобда ортишига янада катта мойиллик ҳомилани артифициал аборт йўли билан олиб ташлаганда кузатилган. Бу омил ҳомиладорликни сунъий тўхтатишнинг ҳамма текширишларида аниқланди.

2 - ж а д в а л

Қон зардоби ва ҳомиладорларнинг аборт материали супернатант ҳужайра культураларида биринчи триместрда физиологик ҳомиладорликни тўхтатиш вақтида плацента ўсиш омилининг даражаси кўрсаткичлари (M±m)

ПЎФ кўрсаткичи (пг/мл)	Ҳомиладорлик I триместрининг физиологик кечиши	
	Қон зардоби (п=30)	Ҳужайра культураси (п=30)
	400,5±4,1	2770±72

Хусусий ва плацентация жараёнлари ҳақида маълумотларни таҳлил қилиб, ПЎФ кўпайишига ўткир эмбрионал гипоксия ва эрта плацентацияни сунъий шикастлаш оқибатида реологик бузилишлар билан изоҳлаш мумкин (артифициал аборт) [6].

Маълумки, ПЎФ гипоксияда кўпаювчи митоген фаолликдан ташқари, тромбоцитлар адгезиясини таъминловчи, қон коагуляциясида иштирок қилувчи ва плацентар жой гемостазини таъминловчи - Виллебрант омили ва протеазалар ажралиб чиқишини стимулловчи ху-

сусиятга эга [4,6].

Эмбрионал қон ва тўқимадан олинган супернатант ҳужайра культурасида ПЎФ кўрсаткичи 2770±72 пг/мл ҳомила олингунгача бўлган қон зардобидаги физиологик кўрсаткичларга нисбатан 10 марта кўп (273,8±1,5 пг/мл) ва ҳомиладорликни тўхтатишининг 12-13-ҳафталаридаги вақтга нисбатан 6,9 марта кўп (273,8±1,5 пг/мл) (2-жадвал) .

Бу маълумотлар ворсиналар орасидаги бўшлиқ билан чегараланган структуралардан ПЎФ экскрециясини таъминлаш, натижасида она организми қон-томирлар тизимига йўналган транспортини изоҳлайди. Бу ўзгаришлар она организмининг репаратив хусусиятларининг юқори мосланишини компенсатор кўрсатади.

Хулосалар

Шундай қилиб, физиологик шароитларда тўқима гомеостазини таъминловчи тизимли гормонал регуляция ПЎФ томонидан медиалланади, инвазия митотик структураларининг бирмунча кучайишига, плацента томирларнинг ўсишига ва пролиферациясига олиб келади.

Қон зардобидаги ПЎФ миқдори она қорнида плацентация жараёнининг, она қорнида ўсишнинг энг муҳим ва фаол даврларидан бирида — ҳомиладорликнинг биринчи триместрида плацентар қон айланиши қарор топиши ва ривожланишида маркёр ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Бурлев В.А., Зайдиева З.С., Тютюнник В.А. и др. Роль ФР в развитии плацентарной недостаточности// Пробл. репродукции.-1999.-№6.-С.7-12.
2. Буштырева И.О., Микашинович З.И., Шестопалов А.В. Роль апоптоза в развитии плаценты// Журнал РОАГ.-2007.-№2
3. Милованов А.П. Патология системы мать-плацента-плод: Руководство для врачей.- М., 2001.- 448с.
4. Павлович С.В., Бурлев В.А. Сосудисто-эндотелиальный фактор роста в патогенезе синдрома гиперстимуляции яичников/ //Акуш. и гин.-2004.-№2.-С.11-13
5. Пальцев М.А. Цитокины и их роль в межклеточных взаимодействиях// Архив патологии.-2008.-№6.-С.3-7.
6. Соколян А.В. Роль ангиогенных факторов роста в прогнозировании акушерской патологии у беременных с хронической венозной недостаточностью:// Автореф. дис. ... канд.мед.наук..-М.,.-2009
7. Соколов Д.И. Васкулогенез и ангиогенез в разитии плаценты //Журнал акушерство и женских болезней// 2007.-Вып. 3.-Т. L 6.

УДК: 616.71-007.234-053.2:616.24-036.12

СУРУНКАЛИ НОСПЕЦИФИК □ПКА КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БОЛАЛАРДА ОСТЕОПЕНИК СИНДРОМ

Т.А. Бобомуратов, М.Ю. Каримов, О.А. Шарипова, И.Д. Гульманов, Д.Г.Ахмедова

OSTEOPENIC SYNDROME IN CHILDREN WITH CHRONIC NONSPECIFIC DISEASES OF LUNGS

T.A. Bobomuratov, M.Yu. Karimov, O.A. Sharipov, I.D. Gulmanov, D.G. Akhmedova

Тошкент тиббиёт академияси

Постоянным спутником хронических неспецифических заболеваний легких у детей является остеопенический синдром, подтверждающий наличие четкой зависимости между индексом костной прочности и тяжестью и продолжительностью заболевания.

Osteopenic syndrome is considered to be a constant companion of chronic nonspecific diseases of lungs in children, confirming the existence of clear dependence between the index of bone strength and the severity and duration of disease.

Сурункали носпецифик ўпка касалликлари (СНЎК) билан хасталанган беморни кузатишда шифокорнинг асосий эътибори, одатда респиратор функцияга қаратилган бўлади. СНЎК нинг оғир ва узоқ вақт давом этган ҳолатларида суяк тўқимаси бузилиши рўй берадики, у жисмоний ривожланишда орқада қолиш билан тавсифланади. Ҳозирги вақтда остеопороз педиатриянинг долзарб муаммоси ҳисобланади [1].

Остеопороз — метаболик остеопатия гуруҳига тааллуқли скелетнинг тизимли касаллигидир, унинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бунда суяк тўқимаси массаси пасаяди ва суяк мустаҳкамлиги камайиши рўй бериб, у оқибатда, ўсаётган организмнинг ногиронланишига ўз ҳиссасини қўшади. Сўнгги вақтларгача остеопороз ривожланишини суяк массаси йўқотилиши билан боғлаган эдилар, шунинг учун остеопорозга фақат кекса одамларга хос касаллик деб қараларди. Ҳозирги вақтда остеопорознинг болалик ёшида бошланиши тасдиқланган. Болалик ёшига бўлган қизиқишга сабаб шуки, ушбу даврда суяк массаси жадал равишда катталашиб боради. Шу сабабли жинсий балоғатга етиш даврига алоҳида эътибор қаратилади, сабаби унинг якунланиш вақтига келиб суяк массаси даражаси скелетнинг кўп қисмларида 86% гача етади, баъзи жойларда эса катта ёшдаги одам суяк массасининг 100% ини ташкил қилади. Суяк тўқимасининг минерал зичлигини (СТМЗ) ўлчаш услубларини солиштириш бўйича чоп этилган ишлар натижалари жуда қарама-қарши. Тадқиқотлар асосан бирламчи остеопорози бўлган, кўпинча ҳайз тўхташидан сўнгги, шунингдек атравматик синишларни бошидан кечирган беморларда синиш хавфини баҳолаш учун амалга оширилган. Ҳозирги вақтда иккиламчи остеопороз ривожланишини чақирувчи касалликлар мавжуд беморларда СТМЗ ни ўлчаш услубларини солиштириш соҳасидаги ишлар адабиёт манбаларида жуда кам ёритилган.

Остеопороз катта ёшдаги беморларнинг 30-60% ида қайд этилади. СНЎК мавжуд болаларда остеопения ва остеопороз учраш сони ҳақида маълумотлар амалда йўқ. Болаларда СНЎК да остеопеник синдром бирламчи патогенетик омиллар ва глюкортикостероидлар (ГКС) билан даволаш оқибати сифатида суяк метаболизмига таъсир қилувчи долзарб муаммо деб қаралади.

Бу далиллар касалликни нафақат тиббий эмас, балки ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида қарашни тақозо қилади. Сўнгги йилларда миқдорий ултратовуш денситометрияси фаол ривожланиб бормоқда, у суяк тўқимаси ҳолатини ултратовуш тўлқиннинг суяк орқали ўтиш тезлигига (SOS - speed of sound) ва унинг суяк тўқимасида сўниш қийматига (BUA - broadband ultrasound attenuation) қараб баҳолаш имконини беради. Баён қилинган кўрсаткичлар суякнинг эластиклигини, қаттиқлигини ва пишиқлигини акс эттиради. Лекин ултратовушли ва рентген денситометрияси натижалари қиёсий таққосланганда зид натижалар олинмоқда. Иккита услуб ҳам суяк массасини ва остеопенияни етарлича аниқ баҳолаш имкониятига эга деган фикр мавжуд [2].

Остеопорозга ташхис қўйиш инструментал текширув услублари ёрдамида амалга оширилади, улар орасида хорижда ултратовушли остеометрия кенг қўлланилади. Ушбу текширишнинг устунлиги унинг ноинвазивлиги, нур юкламасининг йўқлиги, мосламанинг портативлиги, текширувнинг тезкорлиги, иқтисодий жиҳатдан қулайлигидир. Ултратовуш остеометриянинг яна бир устунлиги шундан иборатки, суяк пишиқлигини ўлчаш товон суяги орқали амалга оширилади. Товон суяги ғоваксимон тузилишга эга, ва демак, юқори даражадаги метаболизмни намоён қилади, бу суяк ремодулланишининг озгина силжишларида ҳам суяк пишиқлиги параметрлари ўзгаришларини қайд қилишга имкон беради. Санаб ўтилган барча хусусиятлар патологияни скрининг йўли билан аниқлаш ва кейинчалик уни динамик кузатув учун жуда қулай.

Ултратовуш суяк денситометрияси ултратовуш тўлқинининг суяк юзаси бўйлаб тарқалишини, шунингдек тўлқиннинг суякда сочилишини ўлчашга асосланган. Келтирилган параметрлар суяк тўқимасининг эластиклиги, зичлиги ва қаттиқлигини акс эттиради. Бир қатор тадқиқотчилар фикрига кўра, яқин келажакда ултратовушли сонография педиатрияда остеопорозни ташхислашда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши шубҳасиз.

Педиатрия амалиётида катталардан фарқ қилган ҳолда ташхисий аҳамиятга фақат Z-мезон эга. Бу кўрсаткич ёшга боғлиқ. У бемор МПК си билан шу ёшдаги ва жинсдаги соғлом болаларнинг ўртача статистик меъёри орасидаги фарқни ҳисобга олади.

Тадқиқотимиз мақсади сурункали носпецифик ўпка касаллиги мавжуд болаларда товон суякларини ултратовуш остеометрия қилиш билан суяк тўқимаси кўрсаткичларини ўрганишдан иборат бўлди.

Тадқиқот материали ва услублари

Бизнинг кузатувимизда 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган СНЎК га чалинган 88 нафар беморлар бўлди. Шулардан 18 тасида сурункали бронхит, 33 тасида сурункали пневмония (кенгайиш бўлмаган деформацияланган бронхлар билан 14 та, бронхоэктазлар билан 19 та), 37 тасида бронхиал астма (тизимли глюкокортикоид қабул қилганлар 15 та, ингаляцион глюкокортикоид олганлар 22 та) аниқланди.

Ултратовушли остеометрия (УТ-остеометрия) болалар дастури билан жиҳозланган «DPX-MD+» аппаратида (Жанубий Корея) амалга оширилди.

Фоизларда ифодаланган суяк қаттиқлиги STI (stiffness index)си аниқланди. СНЎК га чалинган беморлар УТ-остеометрияси натижалари амалда соғлом болалар (назорат гуруҳида - 42 та) маълумотлари билан солиштирилди.

Натижалар ва муҳокамаси.

УТ-остеометрия натижаларига кўра, суяк қаттиқлигининг меъёр кўрсаткичлари 26 та (29,5%) болада кузатилди. Суяк тўқимаси минерал зичлиги пасайиши 62 (70,1%) болада ташхисланди, шу жумладан уларнинг 38 нафарида остеопения (43,2%), 24 тасида эса (27,3%) остеопороз аниқланди (жадвал).

Ж а д в а л

Сурункали носпецифик ўпка касаллиги билан хасталанган болаларда суяк тўқимасининг ултратовуш остеометрияси маълумотлари, (%)

Сурункали носпецифик ўпка касаллигининг клиник вариантлари	Суяк тўқимасининг меъёрий қаттиқлиги, n=26	Остеопения, n=38	Остеопороз, n=24
Сурункали пневмония n=33	10 (30,7)	9 (23,7)	6 (25)
Сурункали бронхит n=18	7 (26,9)	12 (31,6)	8 (33,3)
Бронхиал астма n=37	9 (34,6)	17 (44,7)	10 (41,7)
Жами	26	38	24

Т-мезон бўйича 1 дан - 2,5 гача бўлган SD қиймати остеопения ёки асимптоматик остеопороз деб қаралади ва профилактик даволаш ҳамда мониторингни талаб этади. SD 2,5 дан кўпроққа оғиши кузатилганда бундай ҳолат аниқланган остеопороз ёки ўртача оғирликдаги остеопороз сифатида ташхисланади. Суяк минерал зичлигининг 2,5 SD дан пастга тушиши ва остеопороздан синиш мавжуд бўлганда остеопорознинг оғир шакли ҳақида фикр юритиш мумкин.

Демак, бизларнинг олган маълумотларимиз сурункали носпецифик ўпка касалликларининг суяк тўқимаси минерал зичлигига жиддий манфий таъсир қилишидан гувоҳлик беради, бунинг сабаби, гармоник ривожланишга негатив таъсир қилувчи сурункали гипоксия билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Сурункали носпецифик ўпка касалликлари мавжуд бемор болаларнинг суяк минерал зичлигига касалликнинг клиник вариантлари ва давомийлиги ҳам таъсир қилган. Тадқиқотлар кўрсатишича, касалликнинг барча клиник шаклларида суяклар минерал зичлигининг пасайиши қайд қилинди. Аммо бунда биз минерал зичлик ифодаланишининг турли даражаларини кузатдик. Суяк қаттиқлигининг паст ёки жуда паст индекслари бронхоэктазлар билан кечган сурункали пневмонияли беморларда қайд қилинди ($p<0,001$). Ўртача оғирликдаги остеопороз касаллик давомийлиги 9 йилдан ортиқ беморларда (76%) учраган бўлса, касаллик бошланишидан 5 йил муддат ўтган беморларнинг 8% ида кузатилди. Жинсга боғлиқ ҳолда текширув ўтказганимизда жиддий фарқ аниқланмади.

Умуман суяк қаттиқлиги индекси маълумотларини сурункали носпецифик ўпка касалликлари оғирлиги ва давомийлиги билан солиштирганимизда биз улар орасида аниқ боғланиш борлигини қайд этдик. Касаллик қанчалик оғир ва узоқ вақт давом этган бўлса, суяк остеопенияси ва остеопорози шунчалик тез аниқланди.

Сурункали носпецифик ўпка касалликларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда ўпкаларнинг нормал функцияси бузилади ва бу гипоксия ҳамда организмда модда алмашинуви бузилиши билан боғлиқ бўлади, аъзо ҳамда тўқималарнинг нормал функция-

сига гипоксия оқибатлари салбий таъсир қилади. Капилляр қоннинг кислород билан тўйиниш жараёнини текширганимизда касалликнинг оғир қўзиши кузатилган беморларда кислород миқдори пасайиши 82,3±3,4% гача бўлганлигини, ремиссия даврида эса бу беморларда кислород тўйиниши 87,5±2,9% гача сақланганлигини аниқладик, соғлом болаларда бу кўрсаткич 98,5±1,5% га тенг бўлди.

Демак, болалардаги сурункали носпецифик ўпка касалликларида ўсиш ва ривожланишнинг бузилиш патогенези комплекс ҳисобланади. Сурункали носпецифик ўпка касалликлари бўлган болаларда аниқланган суяк тўқимасининг минералланиш қонуниятлари катталардаги остеопорозни бирламчи профилактика қилиш негизи сифатида скелет минералланишини мониторинг қилишнинг муҳимлигини кўрсатади. Сурункали носпецифик ўпка касалликларига чалинган болалар ҳаёт сифатига остеопениянинг салбий таъсири аниқ бўлишига қарамасдан ҳанузгача унинг адекват терапиясининг самарали чизмаси ишлаб чиқилмаган.

Хулосалар

1. Сурункали носпецифик ўпка касалликларига чалинган болаларда остеопеник синдром асосий патологик жараённинг доимий йўлдоши ҳисобланади ва суяк қаттиқлиги индекси билан касаллик оғирлиги ва давомийлиги орасида аниқ боғлиқлик бор.
2. Сурункали носпецифик ўпка касалликларида болалар суяк массаси пасайишига сабаб скелетнинг периферик қисмларидаги кислород етишмовчилиги ҳисобланади.
3. Сурункали носпецифик ўпка касалликлари мавжуд болаларни текшириш алгоритмига товон суяги ултратовуш остеометриясини киритиш лозим, чунки болалар товон суяги ултратовуш остеометрияси маълумотларига асосланиб сурункали носпецифик ўпка касалликлари патогенетик терапияси босқичларида суяк метаболизмини яхшилаш динамикасини ўрганиш имконияти юзага чиқади.
4. Сурункали носпецифик ўпка касалликлари бўлган болалар ҳаёт сифатига остеопениянинг салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда остеопорозни бирламчи терапиясини комплекс тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Астафьева Н. Г. Медико-социальная экспертиза подростков с хроническими заболеваниями легких //Рос. Вестн. перинатол. и педиатр. - 2003. - № 6. - С.22-26.
2. Manolagas S.C. Birth and death of bone cells: basik regulatory mechanisms and implications for the pathogenesis and treatment of osteoporosis // Endocr. Rev. - 2000. - № 2. - P.115-137.

УДК:616-089:616.45

КЛИНИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЭНДОВИДЕОХИРУРГИЧЕСКИХ АДРЕНАЛЭКТОМИЙ

С.И. Емельянов, Д.Ю. Богданов, Н.Л. Матвеев, С.В. Садовников

CLINICAL EFFICACY OF ENDOVIDEOSURGICAL ADRENALECTOMIES

S.I. Yemelyanov, D.Yu. Bogdanov, N.L. Matveev, S.V. Sadovnikov

ФПДО ГОУ ВПО МГМСУ

Мақолада бевосита ва ён томонлама трансабдоминал адреналэктомиялар воситасида бажарилган лапароскопик адреналэктомиялар йўлларини топиш тажрибасига асосланиб амалиётларнинг асосий техник аспектлари топилган; ёнбош трансабдоминал киришнинг техник афзалликлари аниқланган, операцияларнинг клиник ва тиббий-социал самарадорлиги кўрсатилган.

Based on the experience of laparoscopic adrenalectomies through direct and lateral transabdominal accesses, we highlighted the main technical aspects of the operations, as well as defined technical benefits of lateral transabdominal access, clinical and medico-social efficiency of surgical interventions in the article.

Преимущества эндоскопической хирургии миниинвазивным доступом имеют особое значение в хирургии анатомических областей и органов, расположенных в массиве тканей и

требующих для успешного манипулирования «широкого» доступа. Это особенно важно при выполнении адреналэктомий, т.е. при манипулировании в забрюшинном пространстве. Первая успешная лапароскопическая адреналэктомия была выполнена M. Gagner и соавт. в 1992 г. Мы выполняем это оперативное вмешательство с 1996 года [1].

Материалы и методы. Нами проанализированны результаты хирургического лечения 73 пациентов, оперированных трансабдоминальным лапароскопическим доступом. Распределение больных по полу и возрасту приведено в таблице 1.

Таблица 1

Распределение оперированных больных по полу и возрасту, абс. (%)

Возраст, лет	Мужчины	Женщины	Всего
19-30	8 (10,9)	4 (5,5)	12 (16,4)
31-40	18 (24,6)	7 (9,7)	25 (34,2)
41-50	12 (16,4)	9 (12,3)	21 (28,8)
51-60	8 (10,9)	5 (6,8)	13 (17,8)
61-70	1 (1,4)	0	1 (1,4)
71-80	1 (1,4)	0	1 (1,4)
Итого	48 (65,7)	25 (34,3)	73 (100)

Исторически в хирургии надпочечников применяются такие оперативные доступы, как трансабдоминальный прямой или боковой, транслюмбальный, предбрюшинный [2,3]. Эти же доступы используются и в эндохирургии. Мы в своей практике отказались от транслюмбального и предбрюшинного оперативных доступов, т.к. считаем, что первый из них значительно ограничивает ширину операционного поля, угол наклона оси операционного действия в этом случае менее 45^0, сосудистые структуры железы перекрываются тканью самого надпочечника. При использовании же предбрюшинного доступа отсутствуют четкие анатомические ориентиры, что требует дополнительного интраоперационного использования УЗ-наведения, сосудистые структуры также перекрываются тканью надпочечника.

Все операции выполняли посредством трансабдоминального прямого и бокового доступа: соответственно 26 (35,6%) и 47 (64,4%) случаях. Как и большинство хирургов, выполняющих лапароскопическую адреналэктомию, мы считаем, что эти доступы наиболее полно отвечают критериям пространственной оценки оперативных доступов [4,5].

Так, при боковом трансабдоминальном доступе ширина операционного поля достаточна для успешного выполнения операции, угол наклона операционного действия меньше 90^0, но больше 45^0, создание экспозиции операционного поля обеспечивается пассивно положением тела пациента.

При прямом доступе ширина операционного поля оптимальная, угол операционного действия приближен к 90^0, создание экспозиции операционного поля обеспечивается активно дополнительным введением инструментов, отведением и удержанием внутренних органов.

Показаниями к выполнению лапароскопической адреналэктомии считали гормонально неактивные и гормонально активные новообразования надпочечников. Единственным техническим ограничением выполнения лапароскопической адреналэктомии были размеры новообразования надпочечника до 50 мм в диаметре. Новообразования надпочечников большего размера ограничивают визуализацию сосудистых структур при операции и с большей частотой подвержены злокачественному перерождению [6-8].

Диагноз новообразования надпочечника устанавливался нами на основании тщательной клинической оценки симптомов заболевания и результатов ультразвукового исследования и КТ-сканирования [9] (рис. 1,2). У наших пациентов были диагностированы аденомы, альдостеромы, феохромоцитомы, гиперплазия коры и кисты надпочечника. У 48 (65,8%) больных отмечалась правосторонняя локализация новообразования, у 25 (34,2%) - левосторонняя (табл. 2).

Эффективность лапароскопических адреналэктомий оценивалась по следующим критериям: техническая сложность этапов операции; длительность операции и отдельных ее этапов; количество интраоперационных и послеоперационных осложнений; число случаев кон-

версии; особенности течения послеоперационного периода; длительность стационарного лечения; сроки восстановления трудоспособности.

Таблица 2

Распределение больных в зависимости от вида и локализации новообразования надпочечника, абс. (%)

Патология	Локализация		Всего
	справа	слева	
Аденома	20 (27,4)	11(15,1)	31(42,5)
Альдостерома	11(15,1)	5 (6,8)	16(21,9)
Феохромоцитома	6 (8,2)	3 (4,1)	9 (12,3)
Гиперплазия коры	7 (9,6)	5 (6,8)	12(16,5)
Киста	4 (5,5)	1 (1,4)	5 (6,8)
Итого	48 (65,8)	25 (34,2)	73 (100)



Рис. 1. КТ-скан новообразования левого надпочечника.



Рис. 2. КТ-скан новообразования правого надпочечника размерами более 50 мм в диаметре - отмечено интимное предлежание к нижней полой вене.

При выполнении лапароскопической адреналэктомии независимо от применяемого доступа мы накладывали пневмоперитонеум напряженностью от 12 до 15 мм рт. ст. по безопасной методике, без использования иглы Veress. Весь ход оперативного вмешательства для проведения сравнительного анализа разделяли на пять основных этапов.

Этап I - создание экспозиции операционного поля. При правосторонней адреналэктомии независимо от применяемого доступа экспозиция операционного поля создавалась путем рассечения брюшины в подпеченочной области при одновременном отведении печени в цефалическом направлении. При этом отделение треугольной связки от печени позволяет достичь необходимой степени ее мобилизации (рис. 3).



Рис. 3. Создание экспозиции операционного поля при правосторонней адреналэктомии.

При левосторонней адреналэктомии посредством бокового трансабдоминального доступа экспозиция создавалась путем ретракция селезенки в медиальном направлении, с одновременным пересечением диафрагмально-селезеночной и селезеночно-почечной связки; особенности доступа - положение пациента на операционном столе на боку, противоположном стороне пораженного надпочечника. В этом случае экспозиция опера-

ционного поля создается пассивно путем гравитационного смещения органов (рис. 4).

Экспозиция операционного поля при левосторонней адреналэктомии посредством прямого трансабдоминального доступа обеспечивалась ретракцией селезенки в цефалическом направлении с одновременной диссекцией тканей (рис. 5).

Рис. 4. Создание экспозиции операционного поля при левосторонней адреналэктомии посредством бокового доступа.



Рис. 5. Создание экспозиции операционного поля при левосторонней адреналэктомии посредством прямого доступа.

Следует отметить, что особенности прямого доступа и положения тела пациента на спине требуют значительных усилий и времени для отведения и удержания органов при создании экспозиции операционного поля.

Этап II – идентификация центральной вены надпочечника. Мобилизация печени при правосторонней операции независимо от применяемого оперативного доступа позволяет идентифицировать нижнюю полую вену, которая является основным анатомическим ориентиром. Для идентификации центральной вены надпочечника нижняя полая вена выделяется сначала в каудальном, а затем в цефалическом направлении. Первый сосуд, выявляемый при данной диссекции, - центральная вена надпочечника (рис. 6).

Для идентификации центральной вены левого надпочечника, также независимо от используемого оперативного доступа, выполняется диссекция в направлении антеро-медиального края левой почки (рис. 7).



Рис. 6. Идентификация нижней полой вены и центральной вены правого надпочечника.



Рис.7. Идентификация центральной вены левого надпочечника.

Следует отметить, что при выполнении последующих этапов лапароскопической адреналэктомии мы не смогли выявить технические особенности и различия в зависимости от стороны выполнения операции и применяемого оперативного доступа.

Этап III - лигирование и пересечение центральной вены надпочечника. Центральная вена надпочечника выделялась на протяжении и клипировалась для наибольшей безопасности тремя клипсами (рис. 8).

Использование нами в последние несколько лет современного аппаратного обеспечения (LigaSure и Auto Sonix 8ошх™) позволило избежать этапа целенаправленного выделения, клипирования и пересечения верхней, средней и нижней надпочечниковых артерий и сразу же выполнять этап выделения самого надпочечника, что закономерно сказалось на уменьшении времени оперативного вмешательства и повышении уровня его безопасности.

Этап IV - выделение надпочечника. После пересечения основных сосудов выполнялась

окончательная диссекция надпочечника, оставшиеся вращения между нижним полюсом железы и верхним полюсом почки прецизионно рассекались (рис. 9).



Рис.8. Клипирование и пересечение центральной вены надпочечника.



Рис.9. Выделение надпочечника без дополнительной обработки сосудистых структур.

Этап V – экстракция надпочечника, завершение операции. Полностью мобилизованная железа захватывалась атравматическим зажимом, помещалась в пластиковый контейнер и эвакуировалась из брюшной полости. По показаниям к месту операции подводили пассивный дренаж на 24 часа.

Анализ продолжительности этапов лапароскопической адреналэктомии посредством бокового и прямого оперативных доступов проводился на основании разделения всего хода оперативного вмешательства на стандартизированные этапы (табл. 3).

Таблица 3

Продолжительность основных этапов адреналэктомии, мин

Этап операции	Средняя продолжительность	
	прямой доступ	боковой оступ
Создание экспозиции операционного поля	26,5±1,52	19,3±1,03
Идентификация центральной вены	23,7±4,23	20,1±3,47
Лигирование и пересечение центральной вены надпочечника	17,1±1,34	16,7±1,74
Выделение надпочечника	16,5±1,05	12,6±1,32
Экстракция надпочечника	10,6±1,08	10,1±1,12
Средняя продолжительность операции	94,4±2,13	78,8±1,71

Как видно из таблицы 3, продолжительность I и II этапов, а также средняя продолжительность лапароскопической адреналэктомии посредством прямого доступа была больше, чем соответствующих этапов при выполнении бокового доступа, а соответственно и средняя продолжительность операции. Данные различия обусловлены более сложными техническими условиями выполнения этапов операции, которые обеспечивал прямой оперативный доступ. Продолжительность последующих этапов операций посредством прямого и бокового доступа достоверных различий не имела. Средняя продолжительность операций посредством прямого оперативного доступа была в 1,2 раза больше, чем при использовании бокового доступа.

В послеоперационном периоде достоверные различия между интенсивностью болевого синдрома при применении прямого и бокового трансабдоминальных лапароскопических доступов у пациентов отсутствовали. Осложнения наблюдались у 8 (11,0%) больных.

У 3 (4,2%) пациентов интраоперационные осложнения (кровотечения из печени и селезенки) были связаны с нарушением принципа прецизионности техники выполнения операции. Следует отметить, что при применении бокового оперативного доступа эти осложнения возникали в 2 раза реже, что свидетельствует о большей безопасности операций, выполняемых этим доступом.

Случаев конверсии лапароскопического доступа в лапаротомный в ходе операции в нашем исследовании не было.

В послеоперационном периоде основные осложнения также были связаны с интраоперационной травмой предлежащих к зоне операции органов - поджелудочной железы при левосторонней операции. Реактивный панкреатит чаще наблюдался у пациентов, оперированных прямым доступом. Гематома забрюшинного отмечалась у больнорго в начале выполнения операций, когда сосудистые структуры надпочечника обрабатывались и пересекались электрокоагуляцией. Летальных исходов среди наших больных не было.

После выполнения адреналэктомий с использованием лапароскопической оперативной техники независимо от оперативного доступа больные могли вставать с постели и обслуживать себя уже через 6,32±2,17 часа, болевой синдром, по оценке больных, сохранялся в течение 11-27 часов (в среднем 19,07±6,31 ч). После операции больные находились в стационаре 7-12 суток, в среднем 8,63±1,53 суток. Продолжительность временной нетрудоспособности составила в среднем 17,54±5,72 дня.

Полученные нами результаты совпадали с данными, полученными в более крупных исследованиях [10-14].

Таким образом, применение прямого и бокового трансабдоминальных доступов для лапароскопической адреналэктомии не имеют достоверных различий. В то же время боковой трансабдоминальный доступ обеспечивает более высокую степень безопасности оперативного вмешательства для пациента и более эффективные и «комфортные» условия оперирования для хирурга, что позволило нам сформулировать определенные условия успешного и безопасного выполнения лапароскопической адреналэктомии: сохранение принципа этапности хода операции, соблюдение принципа прецизионности оперативной техники, достаточность аппаратного и инструментального обеспечения и квалификационного уровня операционной бригады.

Литература

1. Емельянов С.И., Богданов Д.Ю., Матвеев Н.Л. Технические аспекты лапароскопической адреналэктомии // Научные исследования в реализации программы «Здоровье населения России»: Материалы 3-го международного хирургического конгресса. - М., -С. 109-110.
2. O'Boyle C.J., Kapadia C.R., Sedman P.C. et al. Laparoscopic transperitontal adrenalectomy. A prospective analysis of 172 procedures //Surg. Endosc. - 2003. -Vol. 17. - P. 1905-1909.
3. Zografos G.N, Markov A., Ageli C. et al. Laparoscopic surgery for adrenal tumors. A retrospective analysis //Hormonts (Athens). – 2006. - Vol. 5. □ 1. -P.52-56.
4. Toniato A., Piotto A., Pagetta C. et al. Tehnique and results of laparoscopic adrenalectomy // Langenbeck's Arch. - 2001. - Vol. 386. - P. 200-203.
5. Zacharias M., Haese A., Jurczok A. et al. Transperitoneal laparoscopic adrenalectomy: outline of the preoperative management, surgical approach, and outcome // Europ. Urol. – 2006. - □ 49, □ 3. -P. 448-459.
6. Henry J.F., Sebag F., Lacobone M., Mirallie E. Results of Laparoskopic adrenalectomy for Large and Potentially Malignant Tumors //Wld. J. Surg. -2002. -Vol. 26. -P. 1043-1047.
7. Gumbs A.A., Garner M. Laparoscopic adrenalectomy //Best Plact. Res. Clin. Endocrinol. / Metab. - 2006. -Vol. 20, □ 3. - P. 483-499.
8. Liao C.H., Chueh S.C., Lai M.K. et al Laparoskopic adrenalectomy for potentially malignant adrenal tumors greater than 5 centimeters. //J. Clin. Endocrinol. Metab. -2006. -Vol. 91□ 8). -P. 3080-3083.
9. Mitterberger M., Pinggera G.M., Peschel R. et al. The use of three-dimensional computed tomography for assessing patients before laparoscopic adrenal-sparing surgery // Brit.J.Urol. Int. -2006. - Vol. 98, □ 5. - P. 1068-1073.
10. Berber E., Duh Q. - Y., Clark O.H., Siperstein A.E. A critical analysis of intraoperative time utilization in laparoskopic adrenalectomy //Surg. Endosc. - 2002. - Vol. 16. - P. 258-262.
11. Chan J.E., Meneghetti A.T., Meloche R.M., Panton O.N. Prospective comparison of early and late experience with laparoskopic adrenalectomy // Amer. J. Surg. - 2006. - Vol. 191, □ 5. - P. 682-688.
12. Meyer A., Brabant G., Behrend M. Long-term Follow-up after Adrenalectomy for Prumary Aldosteronism //Wld J. Surg - 2005. - Vol. 29. - P. 155-159.
13. Palazzo F.F., Sebag F., Sierra M. et al. Long-term outcome following laparoskopic adrenalectomy for large solid adrenal cortex tumors // Wld J. Surg. - 2006. - Vol. 30, □ 5. - P. 893-898.
14. Tsujihata M., Nonomura N., Tsujimura A. et al. Laparoskopic adrenalectomy for primary hyperaldosteronisms // J. Endourol. - 2006. - Vol. 20, □ 4. -P. 262-265.

УДК: 616-002.4: 616.718]-089:616.379-008.64

ОЁҚЛАР ДИАБЕТИК ГАНГРЕНАСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА НЕЙРОПАТИЯНИ ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Б.Б. Жанабаев, Қ.Ж. Матмуротов

EVALUATION OF EFFICACY OF TREATMENT OF NEUROPATHY IN PATIENTS WITH DIABETIC GANGRENE OF LOW EXTREMITIES

B.B. Djanabaev, K.J. Matmurotov

Тошкент тиббиёт академияси,
Республика йирингли жарроҳлик ва қандли диабет йирингли асоратлари маркази

Эффективность коррекции нейропатии на фоне включения препаратов липоевой кислоты в комплекс лечения диабетической гангрены нижних конечностей заключается в снижении частоты высоких ампутаций на уровне бедра в 1,5 раза.

Efficacy of correction of neuropathy against a background of inclusion of preparations of lipoid acid into complex of treatment of diabetic gangrene of low extremities consisted in reduction in incidence of high ablations on a level of hip by 1,5 times.

Ҳозирги кунда қандли диабет кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, мажруҳликка ва ўлимга кўп сабаб бўладиган хасталиклардан ҳисобланади [1,3]. Қандли диабетнинг оғир асоратларидан бири бу диабетик тўпиқ синдроми ҳисобланади ва 6-15% ҳолларда беморларда оёқлар диабетик гангренасига олиб келади [2].

Диабетик микро- ва макроангиопатия, нейропатия фонида мураккаб анатомик-функционал ўзгаришлар комплекси ривожланиши натижасида йирингли-некротик жараёнлар юзага келади ва бунинг натижаси оёқлар гангренасига олиб келади. Қандли диабет билан хасталанган беморларнинг 30-80% ида оёқлар тўпиқларида ўзгаришлар аниқланади. Диабетик тўпиқ синдроми 25% ҳолларда асоратли кечиши аниқланган ва бу беморларда қандли диабети бўлмаган беморларга нисбатан оёқлар гангренаси 20 мартага, оёқлар ампутациялари сони эса 15-40 мартагача кўп бажарилади. [3,4].

Маълумотларга кўра АҚШ да 50% травматологик бўлмаган ампутациялар қандли диабет билан боғлиқ, бунда ҳал қилувчи ролни 87% ҳолларда оёқлардаги диабетик тўпиқ йирингли-некротик жароҳатлар ўйнайди [1,5]. Оёқлар диабетик гангренаси ампутациялар қилиш эҳтимолини 1,7 мартага оширади, агар диабетик тўпиқ синдроми суяклар деформациясиси билан кечса, бу кўрсатгич 12 мартагача ошади [6].

Шулар билан боғлиқ ҳолда бизнинг текширувимизнинг мақсади оёқлар диабетик гангренаси бўлган беморларда комплекс даво муолажаларига липоат кислотаси препаратларини қўшиш орқали диабетик нейропатия коррекцияси самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Материаллар ва текширув усуллари

Текширувлар учун Республика йирингли жарроҳлик ва қандли диабет йирингли асоратлари марказида оёқлар диабетик гангренаси ташхиси билан 2008 йилда даволанган 178 та беморлар даво натижалари таҳлил килинди. Қўлланилган даво усулига қараб беморлар шартли равишда иккита гуруҳга бўлинди: (назорат ва асосий), назорат гуруҳига 56 та беморлар киритилди ва улар комплекс даво муолажаларига липоат кислотаси препаратлари киритилмади. Асосий гуруҳни 122 та бемор ташкил қилди ва уларнинг комплекс даво муолажаларига липоат кислотаси препаратлари киритилди.

Назорат гуруҳида беморларнинг ўртача ёши 57,5±1,5 ни ташкил қилган бўлса, асосий гуруҳ беморларида бу кўрсатгич 58,2±1,7 ни ташкил қилди. Асосий гуруҳ 122 бемордан 48 (39,4%) тасини аёллар ташкил қилган бўлса, эркаклар - 74 (60,5%) ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида бу кўрсатгичлар тегишлича - 9 (30,6%) ва 47 (69,36%) дан иборат бўлди. Даво-

муолажалари самарадорлигини баҳолашда клиник текширувлар билан бир қаторда диагностик текширув усулларидан ҳам фойдаланилди.

Ҳар хил даражадаги нейропатияси бўлган асосий гуруҳдаги беморларда α-липоат кислотаси (берлитион) муолажаси қуйидаги чизма бўйича олиб борилди: икки ҳафта давомида беморларга вена ичига томчилатиб юборилди (600 мг/сут), кейинчалик 6 ҳафта давомида шу препаратни таблетка кўринишида юқоридаги дозада қабул қилинди.

Беморларда нейропатиянинг қандай ҳолатдалигини баҳолашда тактил, ҳарорат, оғриқ ва вибрацион сезувчанликни аниқлаш талаб қилинди. Тактил сезувчанлик монофиламент ёрдамида 10 г (5.07 Semmes-Weinstein, Германия) текширилди. Оғриқ сезувчанлик неврологик қалам ёки учи тўмтоқ ниналар билан текшириш орқали баҳоланди.

Вибрацион сезувчанликни аниқлашда 128 гц. частотали даражаланган неврологик камертон (Thio-Vib., Германия) дан фойдаланилди ва бу оёқнинг I панжа суяги бошчаси соҳасига ва ички тўпиқ соҳасига қўйиш орқали текширилди.

Ҳарорат сезувчанликни аниқлашда темир (совуқ) ва резина (иссиқ) қисмлари бўлган термик охир (Thip-term) дан фойдаланилди. Беморлардаги нейропатиянинг даражаси Москва «диабетик тўпиқ» марказида ишлаб чиқилган шкала бўйича баҳоланди [7].

Нейропатик дисфункционал ҳисоб (НДҲ) нинг 0 дан 1 гача бўлиши беморларда нейропатиянинг йўқлиги ёки бошланғич белгиларининг борлиги ҳақида хабар беради. НДҲ нинг 2 дан 4 баллгача бўлиши нейропатиянинг беморларда кам ривожланганлигидан дарак беради, ўз навбатида НДҲ > 5 бўлиши нейропатиянинг яққол ривожланганлигидан далолатдир.

Беморларга дастлабки куни ва динамик кузатувда даво муолажалари ва «нейропатик дисфункционал ҳисоб» билан бир қаторда неврологик текширувлар олиб борилди. Бу текширувлардан ташқари, беморлар жароҳатларидан микологик текширувлар учун материаллар олинди.

Микологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, беморлар дастлабки куни текширувида 91 тасида замбуруғли инвазиялар борлиги аниқланди, шулардан оёқлар диабетик гангренаси бўлган 70 (77%) тасида Candida оиласига тааллуқли замбуруғлар аниқланди (назорат гуруҳида - 74,5%, асосий гуруҳда - 84,3%), тўпиқлар йирингли-некротик жароҳатлари бўлган 14 (15,3%) та беморда Aspergillus оиласига тааллуқли замбуруғлар топилди (назорат - 19,1%, асосий - 11,7%) ва факат 7 (7,7%) та беморда Fusarium аниқланди (назорат - 6,4%, асосий - 3,9%). Параллел равишда олиб борилаётган текширувлар таҳлили шуни кўрсатдики, замбуруғли инфекция нейропатияси яққол ривожланган беморларда (46,8%), ишемик (19,8%) ва аралаш (33,3%) шаклдан келиб чиққан диабетик гангреналарга нисбатан кўпроқ шикастланишларга сабаб бўлади, бу ўз навбатида кейинчалик нейропатияларда замбуруғли касалликлар келиб чиқиши, уларнинг ўзига хослиги ва турли хил этиопатологик омиллари ҳақида фикр юритишига олиб келади ва бу чуқур изланишларни талаб қилади.

Даволаш натижалари НДҲ таҳлили шуни кўрсатдики, оёқлар диабетик гангренаси бўлган беморлар назорат гуруҳида I ва II даражада ривожланган нейропатияларда даво муолажаларидан олдинги ва кейинги кўрсатгичларида деярли катта фарқ аниқланмади, фақат III даражада даволанишдан кейин нейропатия белгиларининг деярли 3% га камайганлиги аниқланди (1-жадвал).

Асосий гуруҳда даволаниш муолажалари комплексида липоат кислотаси препаратлари қўлланилиши натижасида III даражада нейропатия ривожланган беморлар сонининг 32% гача камайтирилишига эришилди ва бу ўз навбатида I ва II даражада ривожланган беморлар сонининг ошиши (12,5% ва 19%) ҳисобига кузатилди

пятилетняя - 44,5±15,8%. Медиана выживаемости - 42 месяца.

Мы сочли некорректным оценивать отдаленные результаты выживаемости в группе больных с неколоректальным метастатическим поражением печени из-за большого разнообразия первичных нозологий и маленького числа наблюдений. Однако следует отметить, что ряд пациентов данной группы, перенесших трисекционэктомию, преодолели пятилетний рубеж и продолжают жить. К ним относятся больные с метастатическим раком почки и яичка. Конечно, отдаленные результаты лечения больных с метастазами рака желудка и поджелудочной железы были намного хуже.

Обсуждение. Расширенные гемигепатэктомии относятся к сложным и высокотехнологичным хирургическим вмешательствам. В настоящее время, когда приоритет хирургического подхода при опухолевом поражении печени не вызывает сомнений, подобные операции все равно остаются уделом лишь крупнейших профильных медицинских центров. Тем не менее, летальность после подобных вмешательств, по данным нашей клиники, не превышает 5,5%. Число послеоперационных осложнений после трисекционэктомии у пациентов с колоректальным метастатическим поражением печени составил 47,9%, первичным опухолевым поражением - 58,3%. Полученные показатели незначительно превышают таковые при всех резекциях печени различного объема. Так, по нашим данным, общая летальность составляет 4,8%, а послеоперационные осложнения - 34,75%.

Целесообразность подобных агрессивных оперативных вмешательств при колоректальном метастатическом раке печени подтверждает T.A. Nims [5]. Приводя в своем исследовании данные о 6 пациентах с распространенным колоректальным метастатическим поражением печени, перенесших трисекционэктомии, он сообщает о медиане выживаемости, равной 20 месяцам, при максимальном сроке наблюдения в 41 месяц.

J. Rui [6] приводит данные хирургического лечения 29 пациентов с гигантскими опухолями печени: 23 больных с первичным раком печени, 1 - с распространенным раком желчного пузыря, 1 - с опухолью Клатскина, 2 - с неэпителиальными опухолями печени, 2 - с гигантскими кистами печени. Правостороннюю трисекционэктомию перенесли 26 больных левостороннюю - 3 пациента. 1-, 3- и 5-летняя выживаемость у пациентов с первичным раком печени составила соответственно 63,6, 36,4 и 27,3%, послеоперационная летальность равна 3,4%.

E. Chouilland и соавт. [7] сообщают о 32 случаях расширенных вмешательств при опухолевом поражении печени центральных локализаций или больших очагах, тесно прилежащих к портальным или кавальным воротам. Среди оперированных больных летальных исходов не было, а частота рецидивирования составила 24%.

T.E.Starze и соавт. [2] в одной из первых публикаций, посвященных трисегментэктомиям, сообщают об опыте подобных операций у 30 пациентов. У 19 больных вмешательства выполнены по поводу первичного опухолевого поражения печени, у 7 - метастатического рака, у 4 - доброкачественных опухолей. Уровень смертности в общей группе составил 3,3%, а без рецидивов первый год после трисегментэктомии пережили более половины больных.

Подобные агрессивные хирургические вмешательства по поводу неколоректальных метастатических опухолей печени, по данным литературы, проводятся нечасто. Так, L.M. Marin Gomez и соавт. [8] наблюдали пациентку, перенесшую правостороннюю трисегментэктомию по поводу изолированного метастатического поражения печени раком молочной железы. Вмешательство было выполнено больной через 53 месяца после мастэктомии. Безрецидивный период после операции на печени составил 17 месяцев. J.A. Norton и соавт.[9] сообщает о результатах лечения 16 больных с метастазами нейроэндокринного рака поджелудочной железы в печень. Одному из этих пациентов была выполнена трисекционэктомия. Летальных исходов в послеоперационном периоде не было. Общая пятилетняя выживаемость составила 82%.

Этим результатам несколько противоречат J.T. Vetto и соавт. [10]. Приводя данные о 58 пациентах, перенесших резекции печени различного объема по поводу колоректального метастатического рака, они указывают на операцию в объеме трисегментэктомии и операционную кровопотерю как на основные факторы, приводящие к увеличению числа послеоперационных осложнений.

По нашим данным, объем операционной кровопотери при трисекционэктомиях по поводу колоректального метастатического поражения печени в среднем был равен 1750 мл, при первичных опухолях печени - 2280 мл. Эти показатели существенно не отличались от таковых при операциях на печени различного объема и не приводили к увеличению числа послеоперационных осложнений. Операции, сопровождающиеся резекцией нижней полой вены,

несколько увеличивали объем операционной кровопотери, однако фатальных осложнений при этом не наблюдалось.

При колоректальном метастатическом поражении пятилетняя выживаемость после расширенных гемигепатэктомий составила 14,4±8%, что достоверно ниже, чем у больных метастатическим раком печени, подвергнутых оперативному воздействию (37,5±7,1%). Это объясняется, по-видимому, предельно обширной распространенностью опухолевого процесса, потребовавшей выполнения столь обширного хирургического вмешательства, а никак не самим объемом операции.

Сроки отдаленной выживаемости у больных с колоректальным метастатическим поражением печени, перенесших трисекционэктомию, существенно увеличивает применение адъювантной химиотерапии в послеоперационном периоде. Пятилетняя выживаемость при комбинированном лечении составила 17,6±10,5%. Больные, не получавшие химиотерапию, пятилетний срок не пережили, а трехлетняя выживаемость составила 9,1±8,5%. В нашей клинике адъювантная химиотерапия является обязательным компонентом послеоперационной терапии при колоректальном метастатическом раке и не проводится только пациентам, находящимся в тяжелом состоянии или при наличии терапевтических противопоказаний к ее проведению. Этим, по-видимому, также объясняются низкие показатели выживаемости в группе больных, не получавших химиотерапию.

При первичном опухолевом поражении печени, потребовавшем выполнения трисекционэктомии, пятилетняя выживаемость составила 44,5±15,8%, медиана выживаемости - 42 месяца. Полученные данные сопоставимы с таковыми при операциях по поводу первичного рака печени различного объема.

Невысокие показатели послеоперационной летальности, допустимое число послеоперационных осложнений и хорошие результаты отдаленной выживаемости позволяют считать хирургическое вмешательство в объеме трисекционэктомии онкологически абсолютно оправданной операцией.

Литература

11. Starzl T.E. Bell R.H., Beart R.W., Putnam C.W. Hepatic trisegmentectomy and other liver resections //Surg. Gynec. Obstet. - 1975. -Vol. 141, № 3. - P 429-437.
12. Starzl T.E., Koep L.J., Weil R. 3rd, et al. Right trisegmentectomy for hepatic neoplasms //Surg. Gynec. Obstet. - 1980. -Vol. 150, № 2. -P. 208-214.
13. Wangensteen O. Cancer of the esophagus and stomach. Proc. 3rd Nat. Cancer Conf.- Philadelphia, 1951. -P. 94-97.
14. Starzl T.E., Iwatsuki S., Shaw Jr., et al. Left hepatig trisegmentectomy //Surg. Gynec. Obstet. - 1982. - Vol. 155, № 1. - P. 21-27.
15. Nums T.A. Hepatic trisegmentectomy for metastatic colorectal cancer //J. Surg. Oncol. - 1983. -Vol. 24, № 2. - P. 154-156.
16. Rui J., Wang S., Chen S. Hepatic trisegmentectomy for 29 patients with huge neoplasms of liver //Zhonghua Wai Ke Za Zhi. -1998. -Vol. 39. № 10. -P. 759-763.
17. Chouillard E., Cherqui D., Tayar C., et al. Anatomical bi- and trisegmentectomies as alternatives to extensive liver resections //Ann. Surg. -2003. - Vol. 238, № 1. - P. 29-34.
18. Marin Gomez L.M., Jimenez Romero C., Perez Saborido B., et al. Surgical treatmen of liver metastasis from breast cancer / //Hepatogastroenterology. -2004. -Vol. 51, № 56. -P. 586-588.
19. Norton J.A., Warren R.S., Kelly M.B., Jensen R.T. Aggressive surgery for metastatic neuroendocrine tumors //Surgery. -2003. -Vol. 134, № 6. -P. 1057-1063.
20. Vetto J.T., Hughes K.S., Rosenstein R., Sugarbaker P.H. Morbidity and mortality of hepatic resection for metastatic colorectal carcinoma //Dis. Colon Rectum. -1990. - Vol. 33, № 5. - P. 408-413.

УДК:616.147.17-007.64:618.3

ОЦЕНКА ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ КИШЕЧНИКА У БЕРЕМЕННЫХ И РОДИЛЬНИЦ С ГЕМОРРОЕМ

В.Т. Расулова

ASSESSMENT OF INTESTINAL MOTOR ACTIVITY IN PREGNANT AND PARTURIENT WOMEN WITH HEMORRHOIDS

V.T. Rasulova

Ташкентская медицинская академия

Ҳозирги кунда қабзият ҳомиладор ва туғруқдан кейинги чилла давридаги аёллар ўртасида кенг тарқалган гастроинтестинал муаммо ҳисобланди. Бундай аёлларни Файберлекс ўсимлик толалари билан даволаш йўғон ва ингичка ичак фаолиятини меъёрлаштиради.

Therapy with vegetable fibers Fayberleks for constipation of pregnant and parturient women with hemorrhoids normalizes functional state of large and small intestine that contributes to reduce symptoms of hemorrhoids, to restore chyme passage, and to regulate a daily stool.

Констипация - одна из самых распространенных гастроэнтерологических проблем у беременных и родильниц. Ее частота, по данным разных авторов, составляет от 17 до 50%. Чаще всего запоры возникают между 17-й и 36-й неделями гестации [1]. Запоры наблюдаются у 53% беременных женщин, причем у 86% из них имеется геморрой [2,3]. Изучение двигательной активности кишечника у беременных и родильниц поможет выбрать мероприятия по обеспечению нормального кишечного пассажа.

Целью нашего исследования было изучение двигательной оценки кишечника у беременных и родильниц с геморроем.

Материал и методы. Обследованы 16 родильниц и 14 беременных во второй половине гестации в возрасте от 23 до 38 лет, страдающих геморроем. У 12 (40%) больных был хронический, у 18 (60%) - острый геморрой с различными осложнениями. Моторно-эвакуаторную функцию тонкой и толстой кишки изучали методом электроэнтерографии на фоне 15-дневного использования препарата Файберлекс из растительных волокон шелухи псилиума, который представляет собой порошок для приготовления суспензии для приема внутрь с натуральным вкусом, 5 г 2 раза в сутки. Растительные волокна содержат в большом количестве клетчатку, которая не расщепляется в кишечнике. Она стимулирует перистальтику кишечника, способствуя свободному перемещению химуса.

Двигательную активность кишечника оценивали методом периферической полиэлектроэнтерографии по Г.Д. Собакину (1995). Для этого использовали аппарат ЭГС-4м со встроенными в него специальными фильтрами [4, 5]. Биоэлектрическую активность кишечника записывали по трем параметрам: проксимальный (I) и дистальный (II) отдел тонкой кишки и толстая кишка (III). Исследование проводили 3 раза в сутки. Во время записи электроэнтерограмм в течение 20 минут достигалось состояние, при котором возможна максимальная амплитуда сигнала. Полученные кривые оценивались путем расчета средней величины амплитуды (АКср.) в мВ за 5 минут и частоты (ЧКср.) по количеству зубцов за этот же промежуток времени. Полученные электроэнтерограммы сравнивали с нормой. Цифровой материал обрабатывали методом вариационной статистики.

Результаты и обсуждение. Все обследованные женщины жаловались на периодически запоры, которые зачастую приводили к выпадению геморроидальных узлов. У 60% обследованных геморрой осложнялся кровотечениями различной интенсивности, воспалительными процессами.

При анализе электроэнтерограмм у беременных с геморроем выявлена гипомоторная дискинезия всех отделов кишечника (табл.). Так, средняя величина амплитуды за 5 минут и количество зубцов за этот же промежуток времени во всех отделах кишечника были достоверно снижены у 28 (93,3%) обследованных; нормотонус кишечника отмечен лишь у 2 (6,7%)

пациенток. Более выраженное снижение средней величины амплитуды за 5 минут наблюдалось в тонком (в 1,22 раза) и толстом (1,25 раза) отделах кишечника. Количество зубцов за этот же промежуток времени в тонком и среднем отделах кишечника уменьшалось в 1,14 и 1,12 раза, а в толстом в 1,56 раза (p<0,001).

Таблица

Электроэнтерографические показатели беременных и родильниц с геморроем (мВ), n=30

Тип волны	До лечения	15-е сутки лечения	Норма
I АКср.	0,09±0,001^	0,11±0,002*	0,11±0,01
ЧКср.	2,95±0,10^	3,45±0,22*	3,35±0,1
II АКср.	0,08±0,002	0,09±0,002*	0,09±0,01
ЧК ср.	3,10±0,10^	3,55±0,21*	3,46±0,1
III АКср.	0,04±0,002	0,05±0,001*	0,05±0,01
ЧКср.	1,57±0,04^	2,51±0,08*	2,45±0,1

Примечание. ^ - p<0,05 по сравнению с нормой, * - по сравнению с данными до лечения (p<0,05).

Полученные данные свидетельствуют о значительном снижении эвакуаторной функции толстой кишки, видимо, вследствие нарушения кровообращения и развития застойных явлений. Нарушение трофики этих отделов кишечника, низкий энергетический потенциал и накопление токсичных метаболитов в толстом кишечнике еще более усугубляют гемодинамику и сократительную способность, обусловливая значительное замедление моторной функции данного отдела.

Следует сказать, что более выраженные нарушения сократительной способности толстого кишечника отмечались у пациенток с длительными запорами и хроническим геморроем. У этих больных в патологический процесс вовлекались и другие отделы кишечника, что проявлялось снижением показателей АК и ЧК. У родильниц с хроническим геморроем и частыми запорами значения АК и ЧК были ниже, чем при остром геморрое, что совпадало с наличием осложнений.

Все пациентки получали лечение в течение 15 дней. Файберлекс существенно улучшал моторно-эвакуаторную функцию кишечника. У пациенток установился ежедневный мягкий стул, исчезли метеоризм и вздутие живота. Препарат не оказывал отрицательного влияния на течение беременности и состав молока. Отказа от приема препарата не отмечалось. Пациенткам рекомендовали соблюдать диету с преобладанием клетчатки и при необходимости прием Файберлекса.

Показатели средней величины амплитуды за 5 минут и количество зубцов за этот же промежуток времени во всех отделах кишечника достоверно возросли до нормативных значений. Однако положительные сдвиги отмечались не у всех больных. У 26 (86,6%) женщин наступала полная нормализация функционального состояния кишки, до нормальных величин возросли показатели электрической активности (табл.). У 4 пациенток с постоянными хроническими длительными запорами гипомоторная дискинезия толстой кишки сохранялась.

Выводы

1. Электроэнтерограмма беременных и родильниц с геморроем характеризуется гипомоторной дискинезией всех отделов кишечника, которая проявляется уменьшением количества зубцов за промежуток времени, особенно в толстом кишечнике и у больных с частыми запорами и хроническим геморроем.
2. Терапия констипации беременных и родильниц с геморроем растительными волокнами Файберлекс нормализует функциональное состояние толстого и тонкого кишечника, что способствует купированию симптомов геморроя, восстановлению пассажа химуса, установлению ежедневного стула.

Литература

1. Подзолкова Н.М., Назарова С.В. Транзипег: новые возможности лечения толстокишечного стаза у беременных //Гинекология. - 2004. -Т.6, 6. С. -22-27.
2. Зайдиева З.С., Тютюнник В.Л. Основные принципы лечения геморроя у беременных и родильниц //Рус.мед.журн. - 2002.- Т.10, 7.
3. Wasvary H.J., Hain J., Mosed-Vogel M. et al. Hemorroids //J.Dis. Colon Rectum.- 2001.-Vol.44, 8.-P. 1069-1073.
4. Закиров Д.Б. Оценка моторно-эвакуаторной функции органов желудочно-кишечного тракта у хирургических больных: Автореф. дис. … канд. мед. наук. - М., 1994. - 16 с.
5. Гейбуллаев А.А. Электроэнтерография при ведении больных послеоперационной динамической кишечной непроходимостью и перитонитом //Анналы хир. -2000. - 1. - С.69-73.

УДК:616.155.392-053.8

ЗАБОЛЕВАЕМОСТЬ ЛЕЙКОЗАМИ ДЕТСКОГО И ВЗРОСЛОГО НАСЕЛЕНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ВИЛОЯТА В 2003-2009 ГГ.

Д.К. Солиев, С.М. Бахрамов

INCIDENCE OF LEUKEMIA IN CHILDREN AND ADULTS OF KASHKADARYA VILOYAT IN 2003-2009

D.K. Soliev, S.M. Bakhramov

Андижанский государственный медицинский институт,
Ташкентский институт усовершенствования врачей

Қашқадарё вилоятида болалар ва катта ёшдаги аҳолисининг лейкозлардан касалланишининг таҳлили бу ҳудудларда экологик мувозантнинг бузилишлари билан боғлиқлиги бор, деган тахминни илгари суришга имкон беради.

Based on analysis of the incidence of leukemia in children and adults of Kashkadarya viloyat, we suggest that the rising incidence of leukemia is associated with disorders of the ecological balance in these regions.

Ретроспективно проанализированы истории болезни, амбулаторные карты с установленным лейкозом гематологических отделений Кашкадарьинского областного многопрофильного медицинского центра за 2003-2009 гг.

Диагноз ставили на основании клинических, цитологических данных, показателей гемограммы периферической крови, миелограммы костного мозга, цитохимических исследований. Патологические отклонения в миелограмме, нарушение цитохимических показателей, особенно циркулирование в периферической крови молодых, незрелых форменных элементов, миелобластов, лимфобластов, промиелоцитов, миелоцитов, метамиелоцитов, подтверждали диагноз.

Впервые были зарегистрированы 242 больных: 170 (70,2%) взрослых, 72 (29,8%) ребенка; 92 (54,1%) мужчины и 78 (45,9%) женщин в возрасте 15-70 лет.

Гемобластозами-лейкозами чаще болеют мужчины. У детей преобладающей формой на протяжении изучаемого периода был острый лимфобластный лейкоз [1].

Частота лейкозов в Кашкадарьинском вилояте зависит от места проживания (табл.). Среди взрослых больных хронические лейко-

Таблица

Распределение больных лейкозом в зависимости от места проживания, абс. (%)

Место проживания	Взрослые	Дети
Каршинский р-н	38 (22,4)	22 (30,6)
Чиракчинский р-н	32 (18,8)	15 (20,8)
Косонский р-н	21 (13,35)	7 (9,7)
Шахрисабз	20 (11,8)	1(1,5)
Гузор	12 (7,1)	7 (9,7)
Яккабог	12 (7,1)	3 (4,2)
Нишон	11 (6,5)	2 (2,8)
Касби	6 (3,5)	4 (5,6)
Камаши	6 (3,5)	3 (4,2)
Дехконобод	5 (2,9)	2 (2,8)
Миришкор	4 (2,3)	3 (4,2)
Муборак	3(1,8)	3 (4,2)
Всего	170 (100)	72 (100)

зы (ХМЛ, ХЛЛ) выявлены у 111(65,3%) обследованных, острые (ОЛЛ и ОМЛ) - у 59 (34,7%). Среди детей острые лейкозы чаще всего диагностировали в возрастной группе 6-10 лет -у 37 (51,4%); среди 11-14-летних - у 18 (25%), а среди 1-5-летних - у 17 (23,6%).

Первичная средняя стандартизованная заболеваемость за 50 лет составила 3,62 случая на 100 тыс. детей. Этот показатель близок к приводимым по ряду регионов России, Украины и Белоруссии [2]. Однако на протяжении этого периода он колебался, достигая максимума в 80-х годах прошлого века.

Анализ результатов исследования населения Кашкадарьинского вилоята показал, что высокая частота заболеваемости лейкозами среди сельских жителей связана с экологическими факторами: в недалеком прошлом необоснованно широко применяли пестициды, дефолианты, минеральные удобрения для обработки сельскохозяйственных культур. На более чем 3 млн га земли в 1989-1999 гг. использовано 85 тыс. отечественных и импортных пестицидов. На 1 га в среднем приходилось 20 кг, в некоторых регионах Ферганской долины до - 50 кг (в других странах СНГ - 3 кг/га, в США - 1,2 кг/га) [4]. Но предположение о том, что высокая степень заболеваемости лейкозами на селе связана с бесконтрольным использованием химикатов, требует более углубленного исследования.

В структуре заболеваемости лейкозами в Республике Каракалпакстан преобладают ХМЛ - 37,6%, ОЛЛ - 20,4, ОМЛ - 16,1%. Кроме того, выявлена высокая частота заболеваемости сельчан: 71-76,3%, в городе - 22-23,7%, т.е. в 3,2 разавыше [4].

Заболеваемость среди мальчиков за весь период наблюдения превышала таковую у девочек. Сравнение городских и сельских детей также показало высокий уровень заболевания у последних [5] на протяжении 40 лет. Но в последнее десятилетие заболеваемость среди детей городов повысилась. В 2006 г. все заболевшие дети были городскими жителями. Можно предположить, что из-за значительного увеличения количества автомашин на улицах города их выхлопные газы стали серьезным фактором риска заболевания лейкозом [1].

Распространенность острыми лейкозами среди взрослого населения приморского края за последние 10 лет увеличилась с 1,2 до 2,8 случая на 100 тыс. населения. Показатель ежегодной заболеваемости - 1,75 на 100 тыс. (0,9- 2,8 сл. на 100 тыс.). ОЛ составляет 26% от всего числа гемобластозов, регистрирующихся в крае [2].

Вернемся к пестицидам. Показано мутагенное и канцерогенное действие многих их видов. А.И.Николаев и соавт. [7] обнаружили пестициды во всех органах с наибольшей концентрацией в костном мозге, жировой ткани, лимфатических узлах и селезенке. Л.А.Юданова [8] установила, что, в зависимости от масштаба, загрязнение окружающей среды пестицидами может быть точечным (локальным), хроническим (региональным) и глобальным и т.д.

Таким образом, среди детей, больных острым лейкозом наиболее уязвимыми оказались 6-10-летние - 37 (51,4%); среди возрастных групп 11-14 и 1-5 лет таких детей оказалось в 2 раза меньше - 25 и 23,6%, соответственно. Установлено, что частота заболеваемости гемобластозами имеет территориальные особенности. В Кашкадарьинском вилояте чаще всего заболевают лейкозом дети и взрослые Каршинского - 30,6 и 22,4%, Чиракчинского - 20,8 и 18,8%, Косонского - 9,7 и 13,35% районов. Причину этого мы видим в нарушении экологического равновесия в указанных районах, поскольку основная доля заболеваемости приходится на сельских жителей. Но это предположение требует углубленного широкомасштабного исследования.

Литература

1. Балашева И.И. Лучинина Р.Н., Десятова Л.Ф. 50 лет клинико-эпидемиологических исследований острых лейкозов у детей Томской области // Сиб. онкол. журн. — 2010. — № 1. — С. 37-40.
2. Климов В.С., Кондратовский П.М., Алексашкина А.П. Острые лейкозы взрослых, результаты лечения и показатели выживаемости в приморском крае // Гематол. и трансфузиол. — 2004. — Т. 49, № 6. — С. 11.
3. Искандарова Т.Ш. Проблемы охраны окружающей среди и влияния вредных факторов на здоровья населения Приаралья // Мед. журн. Узбекистана — 1995. — № 4. — С. 4-6.
4. Еримбетова И.О. Анализ заболеваемости гемобластозами в республике Каракалпакстан в 2005-2010 гг. // Сб. научных трудов юбилейной конференции, посвященной 70-летию НИИГ и ПК МЗ РУз. — Ташкент, 2010. — С. 25.
5. Балашева И.И. // Сиб. мед. журн. — 1996. — № 2. — С. 41-43.
6. Уланова Р.В. Сравнительная оценка мутагенной активности неоторых пестицидов //Докл. АН УзССР. — 1990. — № 2. — С. 53-54.
7. Николаев А.И., Каценович Л.А., Атабаев Ш.Т. Пестициды и иммунитет. — Ташкент: Медицина, 1988. — С. 117.
8. Юданова Л.А. Пестициды в окружающей среде: Аналитический обзор АН СССР. — Новосибирск, 1989. — С. 130.

УДК: 611-013.85: 618.2/3

ФИЗИОЛОГИК КЕЧУВЧИ ВА РИВОЖЛАНМАГАН ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ БИРИНЧИ ТРИМЕСТРИДА ЙЎЛДОШ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Б. Шербаева, А.Ю. Юлдашев, Г.Н. Бекбаулиева

MORPHOLOGICAL PECULIARITIES OF PLACENTETION IN FIRST TRIMESTER OF PHYSIOLOGICAL PREGNANCY AND MISSED ABORTION

D.B. Sherbaeva, A.Y. Yuldashev, G.N. Bekbaulieva

Тошкент тиббиёт академияси

Описана морфологическая характеристика инвазивных структур плаценты при физиологической беременности I триместра и непрогрессирующей беременности (неразвивающаяся беременность).

Morphologic characteristic of invasive placental structures in physiologic pregnancy of the 1st trimester and non progressing pregnancy is presented (non developing pregnancy).

Одам организмининг организациясини юқори даражада тахассуслашганлиги давомли ҳомиладорликни талаб қилди, плацента нисбий ўлчамлари ва фетал ҳамда оналик циркуляцияси ўртасидаги қонтакт майдоннинг катталашуви хорион тўқима мураккаб ворсинали структураси ҳисобига бўлади. Бундай тизим ҳомиладорлик даврида бачадонга қон оқиб келишини кучайтиришни талаб қилади [1,5], бунга бачадон спирал артериялари модификацияси натижасида плацентар жойда изоляцияланган қон оқимини кучайтириш билан эришилади [2,4].

Сўнгги йиллардаги текширишлар ҳомиланинг она қорнида шаклланиши фетоплацентар тизим тараққиётининг эрта муддатларида бошланади, эндо- ва миометрий ҳолати эмбрион, плацента, плацентар жойнинг тўлиқ шаклланмаслигига олиб келишини кўрсатди [3].

Юқорида келтирилган маълумотлар физиологик ва патологик ҳомиладорликнинг эрта муддатларида инвазив структураларни ўрганиш масаласининг долзарблигини кўрсатди.

Тадқиқот мақсади: биринчи триместрда физиологик кечувчи ва ривожланмай қолган ҳомиладорликда инвазив структураларнинг қиёсий тавсифини ўтказиш.

Материаллар ва усуллар: тадқиқотда 20та ҳомиладор аёллар 2та гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳда n=10 та аёл ҳомиладорликнинг физиологик кечиши билан, иккинчи гуруҳда n=10та аёл ривожланмай қолган ҳомиладорлик билан. Барча аёлларда ҳомиладорликни тўхтатиш стационар шароитларда бачадон бўшлиғини кюретаж қилиш йўли билан ўтказилди. Ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёлларга артифициал аборт ижтимоий кўрсатмалар ва исталмаган ҳомиладорлик сабаби билан тўхтатилди.

Текшириш объекти сифатида бирламчи плацента қисмларидаги марказий ва иккита периферик хорион ворсиналари ва бачадоннинг децидуал пардаси олинди, тўқима бўлакчалари 1,25%ли глютар альдегид эритмасида фикация қилинди, OsO_4 1%ли эритмасида фосфат буферида (pH=7,3) қўшимча фиксацияланди. Спиртларда ва абсолют ацетонда сувсизлантирилгандан кейин бўлакчаларга эпон ва аралдит аралашмаси қуйилди. Ультратомда LKV-V (Швеция) тайёрланган ултраингичка кесмалар қилинди, қўрғошин цитрати ва уранилацетатда қонтрастлашдан кейин JEM-100S (Япония) электрон микроскопида текширилди. Текшириш ТТА гистология ва эмбриология кафедрасида проф. А.Ю. Юлдашев раҳбарлигида ўтказилди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси: 1-гуруҳда ворсиналарнинг гистотизими ўрганилганда, улар асосан эмбрионал типдаги икки қаватли эпителиал қатлам билан қопланган, синцитиотрофобласт ва миқдор жиҳатидан камайиб борувчи цитотрофобластдан иборат бўлган ворсиналарнинг тармоқланган туридан ташкил топганлиги аниқланди. Плацентациянинг биринчи триместри охирида таянч (оралиқ) ва терминал ворсиналарни ажратиш мумкин. Ҳар бир таянч ворсина бир неча генерациялар бериб, улар терминал ворсиналар ҳосил бўлишида иштирок этади. Агар йирик ворсинанинг кўндаланг кесмасида 10-15 та гача ҳар хил диаметрдаги томирлар бўлса, терминал ворсиналарда уларнинг сони 4,8±0,15 гача ка-

маяди. Ворсина компонентларининг катта қисмини ворсина эпителийси ва стромаси ташкил этган, томирлар эса ингичка капиллярлардан ташкил топган бўлиб, улар периферияга силжиш мойиллиги бўлган эпителий остида жойлашади. Бу тараққиёт муддатида майдон бирлигига нисбатан терминал ворсиналар сони 2,7±0,21 ни ташкил қилди. Улардан синцитиоэндотелиал мембранали ворсиналар 0,91±0,02 ни ташкил қилиб, ўрта ҳисобда ҳар бир учинчи ворсина алмашинув жараёнларида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлган. Терминал ворсиналарнинг ўртача майдони 3730±360 мкм, барча томирларнинг майдони эса 415±25 мкм га тенг бўлган. Ўртача бир терминал ворсина томир ҳисобига 102±8 мкм майдон тўғри келади. Физиологик ҳомиладорлик биринчи триместрининг охирида томирлар майдонининг терминал ворсиналар майдонига нисбати 8,45 ни ташкил қилган.

Терминал ворсиналарнинг тарқалиш частотасини синфлар бўйича таҳлил қилиш унинг асосий массаси, 75% ни диаметри 1000-5000 мкм гача бўлган ворсиналар ташкил этишини кўрсатди. Шунингдек кам миқдорда етилмаган ворсиналар ҳам учради. Етилмаган терминал ворсиналарнинг фарқли хусусияти диаметрининг катталиги ва кўпроқ марказий жойлашуви ҳисобланди. Барча ворсиналарнинг юзасида синцитио ва трофобласт аниқланди. Айрим терминал ворсиналарда синцитиотрофобласт (СТ) бир меъёрда юпқалашган, цитотрофобласт эса (ЦТ) амалда фарқланмайди.

Бошқа терминал ворсиналарда СТ лар нисбатан қалинлашган ва тартибсиз жойлашган. ЦТ юмалоқ ва кўпбурчакли овал шаклга эга қатор ёки ҳужайралар колонияси ҳосил қилган, уларнинг цитоплазмаси ёруғ бўлиб, суст бўялади, ядроси аухроматин устунлиги билан юмалоқ йиғилган участкалари билан кўринади. Бундай ворсиналар оралиқ ёки терминал ворсиналарнинг дистал қисмида жойлашган. Шундай қилиб, физиологик ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ЦТ ҳужайраларининг СТ га айланиши хос ҳисобланади. Агар СТ остида ЦТ бўлмаса, ядролар камдан-кам бир хил жойлашади. Цитотрофобласт бўлганда ҳужайралар фаол пролиферацияланади ва терминал ворсиналарнинг янги генерациясини пайдо қилиб, ядролар уюмлар ҳосил қилиб СТ ҳужайрага айланади.

Плацентанинг децидуал пардаси ички юзаси томонидан ингичка йўл-йўл шаклланувчи фибриноид билан қопланган эди. Унинг катталиги ҳар хил қисмларида бир-биридан фарқланади. Ҳомиладорликнинг физиологик кечиши учун децидуал ҳужайралар устунчаларининг ҳосил бўлиши характерли бўлиб, улар аста-секинлик билан эндометрий компакт қатламидан терминал ворсиналар юзасига киради, яъни фибриноид парда чегарасига томон боради.

Дифференсацияланадиган децидуал ҳужайраларнинг жойлашувига кўра биз уларни шартли 3та зонага бўлдик:

1-зона - фибриноид ҳосил бўлиш даражасига мос келади, бунда децидуал ҳужайралар бироз йирикроқ ва йирик ядроли бўлади: ҳужайра ҳажми 1980±206 мкм; ядро ҳажми 196±80 мкм ни ташкил қилди.

2-зона - 1- ва 3-зоналар оралиғида жойлашган: децидуал ҳужайралар цитоплазмаси ва ядроси ҳажми тегишлича 1145±250; 119±12мкм.

3-зона - эндометрий мушак қаватининг чегараси даражасига мос келади: децидуал ҳужайра ва ядроларининг ҳажми тегишлича 1112±160 ва 115±11мкм.

Йириклашган децидуал ҳужайралар колонналари орасида коллаген толалар тутамлари, шунингдек интерстициал трофобластни (ИТ) аниқлаш мумкин. ИТ базал пластинкани чуқур емириб спиралсимон артериялар бўшлиғига етиб бориб, эндотелий билан алмашинади.

Ултраструктураси: бир-биридан маълум оралиқлар билан ажралган терминал ворсиналар кам ядроли СТ ҳужайралар билан қопланган, уларнинг остида жуда кам учровчи синцитиал куртакларини шакллантирувчи ЦТ ҳужайралар аниқланади. Синцитиал ядро овал ёки юмалоқ шаклда, нотўғри юзага эга. Нуклеоплазма асосан ядро бўйлаб текис тарқалган эухроматиндан иборат. СТ цитоплазмасини шартли 3 зонага ажратиш мумкин:

1 - микроворсиналар зонаси - она қони билан алоқада бўладиган.

2 - ўртача зона, бу ерда органеллалар билан электронзич секретор гранулалар топилади.

3 - базал зона, базал мембранада ётади.

ЦТ ядролари юмалоқ, овал ва кубсимон шаклга эга, СТ ҳужайралар остида жойлашиб, цитоплазманинг катта қисмини эгаллайди. Ҳужайралар цитоплазмаси ёруғ, кўп эркин рибосомалар ва полисомалардан, матрикс билан ёритилган майда якка-якка митохондрийлар бўлади.

Плацента терминал ворсиналарнинг стромасида қонтомир капиллярлари бўлади, улар централ, парацентрал ва субэпителиал жойлашади. Улар ҳар хил сондаги эндоцит ҳосилалари бор ясси эндотелий билан қопланган.

Электрон микроскопда децидуал соҳа ўрганилганда, уларнинг асосини юза ва гуруҳ бўлиб жойлашувчи 1-типдаги децидуал ҳужайралар ташкил этган. Улар йирик ўлчамли, юмалоқ шаклда, нисбатан йирик ядролар сақлайди. Грануляр эндоплазматик ретикулум профили кўп сонли бўлиб, ҳамма жойда учрайди, халтача цистерналар ҳосил қилади. Голжи комплекси ўртача кенгайган цистерна, вакуол ва ядрога яқин жойлашган везикулалардан иборат. Митохондрийлар майда бўлиб, децидуал ҳужайра цитоплазмаси бўйлаб жойлашган. Децидуал ҳужайра цитоплазмасида органеллалардан ташқари, бирламчи ва иккиламчи лизосомал вакуолалар ва везикулалар учрайди.

Ривожланмаган ҳомиладорликда плацентанинг гистологик тузилиши: II гуруҳдаги пациентларнинг плацентаси ва плацентар жойи текширилганда плацентада физиологик ҳомиладорликдаги каби таянч ва терминал ворсиналар аниқланди, таянч ворсиналар бир неча ворсиналар ҳосил қилиб, натижада ҳар хил диаметр ва катталикдаги терминал ворсиналар ҳосил қилади. Терминал ворсиналар сони, унинг майдон бирлигига нисбатан 1,6±0,22 бўлиб, бу физиологик ҳомиладорлик кечишига нисбатан 69% га кам. Уларнинг орасида синцитиоэндотелиал мембраналарга эга ворсиналар сони ўрта ҳисобда 2 марта кам (1-жадвал). Шу сабабли ўртача терминал ворсиналарнинг юзаси ҳомиладорликнинг физиологик кечишига қараганда 34% га қисқарган. Демак, I-триместрда гестацион асоратларда она қони билан ўзаро таъсир юзасининг камайишини таъкидлаб ўтиш лозим.

1 - ж а д в а л

Қон томир, терминал ворсиналар майдони, физиологик кечувчи ва ривожланмаган ҳомиладорликнинг биринчи триместрида уларнинг нисбати

Тадқиқот кўрсаткичлари	Физиологик ҳомиладорлик	Ривожланмаган ҳомиладорлик
Майдони, мкм:	3730±360	2520±370
Терминал ворсиналар (St)	415±25	220±29
Терминал ворсина томирлари (Sc)	102±8	122±10
Терминал ворсина томирининг ўртача майдони	4,8±0,15	1,8±0,25
Терминал ворсинадаги қон томирлар сони		
Қон томир майдонининг (Sc) терминал ворсина майдонига нисбати (St) % да	9,0	11,45

Эслатма: * - ҳомиладорликнинг физиологик кечиши параметрлари қийматига бўйича ишонарли.

Йирик оралиқ ворсинада томирлар текширилганда физиологик кўрсаткичлардан деярли фарқ қилмайди, лекин терминал томирлар сони бироз камаяди (1,8±0,25). Текширилаётган гуруҳдаги аёлларда терминал ворсинадаги томирларнинг ўртача майдони 2 мартага фарқ қилган (220±29 415±25 физиологик кечувчи ҳомиладорликка нисбатан). Бу томирларнинг бўшлиғи кенгайган, агар битта томир ўртача ҳисобланганда унинг бўшлиғининг майдони 122±10мкм тенг бўлди. Ҳомиладорлик асоратли кечганда томирлар майдони ва терминал ворсиналар майдонининг нисбат кўрсаткичи 8,50 га тенг бўлди, яъни у ҳомиладорликнинг кечиш характери билан боғлиқ эмас.

Демак, томир-тўқима муносабатлари доимийлиги мавжуд, лекин кам миқдордаги томирлар ва терминал ворсиналарнинг бошқа тавсифлари плацента тараққиётининг бирмунча эрта босқичига мос. Терминал ворсиналарнинг синфлар бўйича тарқалиш частотаси таҳлили кўрсатишича, уларнинг массаси гетероген: агар ярми 0-3000 мкм диаметрга эга бўлса, қолган ярмининг кўндаланг кесими 3000-7000мкм гача бўлади, яъни ярмидан кўпроғи етилмаган, нисбатан каттароқ ўлчамда, томирлар сони кам ва марказий жойлашган бўлади.

Ўрта терминал ворсиналарда ҳужайра стромаси кўпроқ дифференсацияллашган, коллаген толалар асосан томирлар яқинида нозик тутамлар ҳосил қилади, фибробластлар кўп, баъзан Кашенко-Гофбауэр ҳужайралари учрайди. Майда терминал ворсиналарда томирлар баъзал мембранага трофобласт остига силжиган, катта бўлмаган диаметрга эга, ясси эндотелий билан қопланган. Майда терминал ворсиналар стромасида коллаген толалар ўртача миқдорда учрайди, ғовак жойлашган, базан тутамлар шакллантирган.

Кичик диаметрдаги терминал ворсиналар юзасида яссилашган, СТ уларнинг остида ЦТ

аниқланади. Йирикроқ диаметрдаги ворсиналар юзасида (оралиқ ворсиналарнинг эрта генерация босқичида) қалинлашган СТ остида иккинчи қатлам узлуксиз ёруғ паст кубали йўлйўл ҳужайралар шаклида ЦТ жойлашади. СТ бир текис қалинлашган: зичлашган микроворсинали ядросиз қисмлари қалинлашган, ядро катта гуруҳ ҳосил қилган қисмлар билан алмашинади.

Биринчи триместр гестацион асоратларида ЦТ дан фаол СТ ҳосил бўлиши кузатилмайди. Синцитиал куртаклар нисбатан кам аниқланади. Айрим терминал ворсиналар стромасида эритробластик қон ҳосил қилиш участкалари бўлади, капиллярлар пайдо бўлиши кузатилмайди. Кашенко-Гофбауэр ҳужайралари кам, улар ўртача ўлчамда, нотўғри шаклда. Плацента децидуал пардаси ички юзаси томондан бироз фарқланадиган фибриноид йўлча билан қопланган, унинг қисмлари айрим жойларда кўринмайди. Ҳомиладорлик асоратли кечганда дифференсацияланган ҳужайралар стунчалари ҳосил бўлмайди. 1-3-зоналарда децидуал ҳужайраларнинг локализацияси майдароқ, уларнинг ҳажми тегишлича 1280±45; 706±78; 630±53 мкм; улар физиологик ҳомиладорликка нисбатан ўрта ҳисобда тегишлича 35,32,39% га кам (2-жадвал).

2 - ж а д в а л

Физиологик кечувчи ва ривожланмаган ҳомиладорлик биринчи триместрида децидуал ҳужайралар ва ядролари ҳажми

Ҳажми, мкм Децидуализация даражаси	Физиологик ҳомиладорлик	Ривожланмаган ҳомиладорлик
Децидуал ҳужайралар		
1	1980±206	1280±45
2	1145±250	706±78
3	1112±160	630±53
Ядролар:		
1	196±30	97,8±11,5
2	119±12	72,4±8,6
3	115±11	62,7±7,8

Шунингдек децидуал ҳужайраларнинг ядролари кичик ўлчамда, 1-3-зоналарда тегишлича қуйидагича: 97,8±11,5; 72,4±8,6; 62,7±7,8 мкм. Уларнинг ҳажми физиологик ҳомиладорликка нисбатан ўртача 50,39,55% га камаяди. Гестацион асоратларда децидуал ҳужайралар эндометрийдан зоналар бўйича шиллиқ парда юзасига худди физиологик кечишдаги каби қалинлашса-да, аммо намоён бўлиш даражаси, дифференсацияси сезиларли кам. Decidua basalis да интерстициал трофобласт оролчалари нисбатан кам учрайди. Уларнинг бузилган спирал артериялар бўшлиғига кириши секин амалга ошади, эндотелиоцитлар билан актив алмашинуви кузатилмайди.

Ултраструктураси: плацентанинг майда ва ўрта терминал ворсиналари зичлашган СТ билан қопланган, фақат маълум жойларда қалинлашган ва полиморф микроворсиналарга эга. Уларнинг асосида эндоцитоз ҳосилалар ва везикулалар аниқланади. Зичлашган қисмларида СТ цитоплазмаси нисбатан электронзич, камроқ вакуола ва везикулалари бор. Кўпинча уларнинг цитоплазмасида липид томчилар топилади, бирламчи электронзич секретор гранулалар, кўплаб рибосомалар ва полисомалар аниқланади. Базал плазмолемма нотекис, ингичка базал бўртиқлар ёки цитоплазмага туртқилар ҳосил қилади. СТ нинг қалинлашган участкалари цитоплазмасида йирик ва ўрта ўлчамдаги вакуолалар, яхши тараққий этган кенгайган цистерналар ва вакуолалардан иборат Гольжи комплекси бўлади. Грануляр ва силлиқ ретикулум профили кенгайган цистерна ҳосил қилади. Рибосома ва полисомалар ўртача миқдорда цитоплазма бўйича бир хил тарқалган. Гестацион ҳомиладорлик асоратларида ЦТ ҳужайралари кам ўзгаради. Децидуал пардада 12-13 ҳафталарда электронзич цитоплазмали юмалоқ шаклли майда децидуал ҳужайралар аниқланади. Ядролар чуқур инвагинация билан нотўғри шаклли асосан гидрохроматин сақлайди. Грануляр ретикулум профили зичлашган, унинг юзасида бироз миқдорда рибосомалар мавжуд. Голджи комплекси деярли редукцияланган, митохондриялари майда ва узунлашган. Цитоплазмада кўп юмалоқ томчилар. Бир хил децидуал ҳужайраларда цитоплазманинг бузилиш қисмлари лизосома ферментлари ҳисобига деструктив ўзгарган. Бундай децидуал ҳужайралардаги ўзгаришлар плацента тараққиётида, унинг дифференцировкаси кучли бузилганини кўрсатади. Шундай децидуал ҳужайралар атрофида строма шиши ва лимфоцитлар инфильтрацияси аниқланади. Терминал ворсиналар стромаси коллаген толалар тутамлари сақлайди; қон томир капиллярлари эндотелиал ҳужайралар билан қопланган, бу шиш деструкция белгиларини беради. Айримларининг бўшлиғи кенгайган, эритроцитлар сақлайди.

Хулосалар:

Шундай қилиб, физиологик ҳомиладорликнинг биринчи триместрида плацента маълум бир структуравий хусусиятлари билан характерланади, улар орқали оптимал ўзаро муносабатлар субстратларни онадан болага ташийди ва аксинча. Терминал ворсиналар шаклланиши билан бир қаторда шаклланиш босқичида бир хил терминал ворсиналар бўлиб, улар ҳомиладорлик ривожланган сайин дифференсацияланади. Спирал артерияларда интерстициал трофобластларнинг инвазияси ва эндометрий стромаси децидуалланиши плацентация ва она-ҳомила тизими структурасининг муваффақиятли гарови бўлиб ҳисобланади. Ҳомиладорлик асоратли кечганда ёриғлик-оптик ва электрон-микроскопик плацента тараққиётининг бузилиш белгиларини, бачадон шиллиқ пардаси децидуализациясини аниқ кўрсатади. Гетерохрон дифференсацияланувчи децидуал ҳужайралар дезинтеграция пули ва шаклланувчи гетерохрон плацента ворсиналар, спирал артерияларда трофобластлар инвазияси ҳомиладорлик кечишида она - ҳомила функционал тизимининг шаклланишини издан чиқаради.

Адабиётлар

1. Агаркова Л.А., Логвинов С.В., Диш О.Г., Дикке Г.Б. Морфологические особенности плаценты при гиперандрогении// Рос. вестн. акуш.-гин.-2006.-т. 6,№5-С.16-19.
2. Глуховец Б.И., Глуховец Н.Г. Патология последа.-СПб.-2002.
3. Милованов А.П. Патология системы мать-плацента-плод. Руководство для врачей. М 2001; 448.
4. Несяева Е.В. Неразвивающаяся беременность: этиология, патогенез, клиника, диагностика // Акуш. и гин.-2005.-№2.-С.3-7.
5. Орлов А.В.. Фактор роста плаценты при физиологическом и осложненном течении беременности // Мать и дитя: Материалы 7-го Российского форума.- М.,2005. -С. 190.

УДК: 616.381-072.1:617.55-089

ИХТИЁРИЙ ЖАРРОҲЛИК СТЕРИЛИЗАЦИЯСИ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

З.Р. Янгибоев, О.Т. Оллоберганов, Д.Ю. Батиров, З.А. Дўсчанова, А.И. Эсамуратов

THE WAYS OF IMPROVEMENT OF LAPAROSCOPIC VOLUNTARY STERILIZATION

Z.R. Yangibayev, O.T. Olloberganov, D.YU. Batirov, Z.A. Doschanova, A.I. Esamuratov

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Усовершенствование способов добровольной хирургической стерилизации у женщин репродуктивного возраста позволило улучшить результаты операции.

Improvement of methods of voluntary surgical sterilization in females of reproductive age allowed perfect outcomes of operation.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2009 йил 13-апрелда қабул қилинган ПҚ-1096 қарори ижросини таъминлаш мақсадида бутун республикамиз бўйлаб салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини яхшилаш мақсадида туғишга ва бошқа турдаги контрацепция воситаларига қарши кўрсатмалар бўлган аёлларда ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси амалиёти гинекологлар томонидан ҳам, жарроҳлар томонидан ҳам кўплаб бажарилмоқда. Лекин, афсуски, кўпчилик ҳолларда бу амалиёт каминвазив усуллар орқали эмас, балки очиқ усулда, яъни, қорин олд деворини кесиш орқали амалга оширилмоқда.

Одатда, аёлларда туғишга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда, яъни ҳомиладорликка ва туғруққа монелик қиладиган экстрагенитал касалликлар аниқланган ҳолларда инъекцион, орал контрацепция ёки бачадон ичи воситаларидан фойдаланилади, лекин айрим ҳолларда бу усуллардан фойдаланишга ҳам қарши кўрсатмалар мавжуд бўлади. Ана

шундай ҳолларда ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси (ИЖС) дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [4,6]. ИЖС нинг ҳозирги кунда 2 хил усулидан кенг фойдаланилади.

Биринчиси - анъанавий очиқ усулда қилинадиган тури. Бунда қорин олдинги девори кесиб, очиб қилинади.

Иккинчи усули каминвазив усул бўлиб, лапароскоп ёрдамида бажарилади. Лекин ҳозирги кунда лапароскопик ИЖС имконияти бор бўлган ҳолда ҳам очиқ усулда бажариладиган ИЖС лар сони камаймаяпти, натижада шу усул билан боғлиқ асоратлар сони ҳам юқорилигича қолмоқда [1-3,5].

Лапароскопик технологиялардан фойдаланган ҳолда ИЖС натижаларини ва шу орқали аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш.

Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлимида 1995 - 2010 йиллар мобайнида лапароскопик усуллар орқали бажарилган 217 та ИЖС натижалари таҳлил қилинди. ИЖС ўтказилган аёллар 21 ёшдан 44 ёш оралиғида бўлди. Лапароскопик ИЖС вена ичига калипсол юбориш орқали (124 та), маҳаллий оғрисизлантириш орқали (82 та), эндотрахеал оғриқсизлантириш орқали (7 та), 4 та ҳолларда спинал оғриқсизлантириш орқали бажарилди. Беморнинг операция столидаги ҳолати қуйидагича бўлди: тананинг пастки қисмини 30-40^0 га кўтарган бўлсак, бош қисмини пастга туширдик. Бундай ҳолат ичаклар ва катта чарвининг қорин бўшлиғининг юқори қисмларига силжишига ва кичик чаноқ бўшлиғида кўринишнинг яхши бўлишига олиб келди.

Лапароскопик ИЖС техникаси 5 та усулда бажарилди:

1 - усул: бачадон найларининг бачадонга яқин қисмига клипслар қўйиб, улар орасидан кесиш орқали (57 та ҳолларда).

2 - усул: бачадон найлари идентификация қилингач, уларни окклюзия қилиш қуйидагича амалга оширилди. Бачадон найининг бачадонга энг яқин жойидан биполяр коагулятор ёрдамида коагуляция қилиниб, бир сегменти кесиб олинди (72 та ҳолларда).

3 - усул: эндоҳалқалар ёрдамида бачадон найларини боғлаш орқали (36 та).

4 - усул: экстракорпорал усулдаги ИЖС, бунда бачадон найи ҳаракатчан бўлган ҳолларда (24 та), бачадон найлари алоҳида 10 мм ли троакар орқали қорин бўшлиғидан қов усти соҳасидан ташқарига чиқарилиб ипак ип билан учдан икки қисмидан боғлаб кесилиб, кейин қорин бўшлиғига чўктириш орқали.

5 - усул: бачадон найлари ENDO GIA аппарати ёрдамида тикиш орқали боғланди (28 ҳолларда).

Маълумки, сурункали тошли холецистит хасталиги билан 40 ёшдан ошган аёллар кўпроқ касалланади ва уларда сурункали тошли холецистит билан гинекологик касалликлар биргаликда кўп учрайди. Бундай симультан патологияларни эса, касалланган аъзоларнинг анатомик жиҳатдан бир - биридан узоқда жойлашганлиги сабабли очиқ усулдаги анъанавий операция йўллари билан ягона кесим орқали бартараф қилишнинг деярли иложи йўқ ва бундай ҳолатнинг ечимини топиш жуда муҳим муаммолардан биридир.

Тадқиқот давомида 108 та ҳолларда сурункали тошли холецистит билан касалланган аёлларнинг ўзлари лапароскопик усуллар орқали бир вақтнинг ўзида холецистэктомия ва ИЖС қилдириш истагини билдиришди ва уларда лапароскопик холецистэктомия билан биргаликда симультан босқич сифатида ИЖС ҳам бажарилди.

Юқорида келтирилган лапароскопик ИЖС усуллари қўлланилган барча ҳолларда операция жароҳати билан боғлиқ бўлган йирингли септик асоратлар кузатилмади. 2 та беморда киндик соҳасидаги портдан серома ажралиши кузатилди, холос. Маҳаллий оғриқсизлантириш қўлланилган беморларга операциядан кейин 2-3 соат ичида уйига рухсат берилди. Эндотрахеал оғриқсизлантириш қўлланилган аёллар операциядан кейин 1 кун давомида назоратда бўлишди ва операциянинг эртасига уйига юборилди.

Демак, юқоридагиларни эътиборга олиб, шуни таъкидлаш ўринлики, ЛИЖС ни лапароскопик усулда амалга ошириш енгил, қулай, аниқ бажариладиган операция бўлиб, аёлларни ноқулай ва хатарли бўлган контрацептив усуллардан фойдаланишдан халос этади. Юқорида келтирилган ЛИЖС усуллари бошқаларига қараганда ишончли, тез, пухта бажарилиши билан ажралиб туради.

Репродуктив ёшдаги аёлларда лапароскопик технологиялар ёрдамида қорин бўшлиғи аъзоларида бошқа хирургик патологиялар аниқланган ҳолларда уларнинг ҳаётига катта хавф туғдирмасдан симультан операцияларни бажариш имкониятлари доираси сезиларли даражада кенгаяди.

Хулоса

ИЖС тавсия қилинган ҳолларда бу амалиётни лапароскопик технологиялар ёрдамида аёлларнинг индивидуал хусусиятларидан, операцион бригада малакасидан келиб чиққан ҳолда юқорида келтирилган усуллардан бири орқали бажарилиши натижасида ИЖС натижаларини имкон даражада яхшилашга эришилади.

Адабиётлар

1. Баков В.С. Симультанные лапароскопические операции при сочетанных патологиях органов брюшной полости и малого таза: Дис. …канд. мед. наук.- М., 2000. — С. 5-24.
2. Баулина Н.В., Баулина Е.А. Симультанные операции в хирургии и гинекологии //Вестн. хир. - №2. - 2004. - С.87-91.
3. Запорожцев Д.А., Луцевич О.Э., Гордеев С.А. и др.Новые возможности оперативной лапароскопии в лечении заболеваний органов малого таза в сочетании с желчнокаменной болезнью / //Эндоскоп. хир. - 2001. - №6. - С.10-14.
4. Джаббарова Ю.К., Акилов Х.А., Жуманиязов К.А. и др. Обоснование проведения добровольной хирургической стерилизации в качестве симультанной операции в абдоминальной хирургии у женщин фертильного возраста/ //Хирургия Узбекистана. - 2000. - №2. - С.35-37.
